

# ОСМОН ШУНДАЙ ЯҚИН

---

*Шеърлар*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

Ўз2  
О-82

К  $\frac{4702570200-51}{М 352 (04)-86}$  48-86

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.

# АБДУМАЖИД АЗИМОВ

---

## Ўтаётган йиллар



Абдумажид Азимов 1958 йилда Сурхондарё область, Қумқўрғон районида туғилган. 1983 йилда ТошДУ журналистика факультетини тугатди.

## МУНДАРИЖА

Теримчи қизга . . . . .	5
«Хотиралар бор ҳали...» . . . . .	6
Тоғам Абдухолиқ хотирасига . . . . .	7
Ўтаётган йиллар . . . . .	7
Янги йил кечасидаги шеър . . . . .	9
Ўсмир ҳақида баллада . . . . .	9
Укам Абдумаликка . . . . .	10
«Кўзларимнинг қорачиғида» . . . . .	11
«Ҳовлидан-ҳовлига жимгина...» . . . . .	12
Хиросималик қизнинг кундалигидан . . . . .	13
«Умид билан менинг...» . . . . .	14
Номаълум жангчи сўзи . . . . .	15
«Даладан қайтарди қиз...» . . . . .	16
Орол эртаги . . . . .	17
Алла . . . . .	18
Эътиқод . . . . .	19
«Кўзингдан олиб фараҳ...» . . . . .	20
Ўғит . . . . .	21
«Тонг ютади оқ юлдузларни..» . . . . .	22
Болалик хотиралари . . . . .	23
«Ўзбек диёрида кезмоқда қуёш...» . . . . .	24
Отам ҳақида қўшиқ . . . . .	24
Кўҳна оҳангларда . . . . .	25
«Юрагингни бергин...» . . . . .	25
Шекспири ўқиб . . . . .	27
«Бузилар ёмғирнинг...» . . . . .	28
«Гинам йўқдир...» . . . . .	29
Чорлов . . . . .	29
«Дарёдай мавж урган...» . . . . .	30

## **ТЕРИМЧИ ҚИЗГА**

**Боғларга сездирмай қўнганида куз,  
Опшоқ рўмолингни олиб кетар сой.  
Қуёш сочларингни ювади кундуз,  
Тунлар — оғушида қуритади ой.**

**Саҳар. Пахтазорга турасан шошиб,  
Қалбингда бир журъат кезар дафъатан:  
«Пахта чаногидан турганда тошиб  
Теримга эртароқ тушай, ҳаммадан...»**

**Кенгликлар уйқудан уйғониб тонгда,  
Далалар қўйнига ўрлайди наво.  
Салқин шамолларда учган мезонда,  
Ёгдуга чайилиб олгандир ҳаво.**

**Қуёш юқорига ўрмалаб тезда,  
Олис бир нуқтани боради чоғлаб.  
Мудроқ эгатларга сени шу кезде  
Туғанмас бир севги туради боғлаб.**

**Кеч. Кундуз йиқилар тоғлар ортига,  
Офтоб кунботарни юборар ёқиб.  
Соҳир хаёлларнинг чўнг қанотида  
Овулга қайтасан қўшиқдай оқиб!**

Сувларнинг қўйнига шўнғийди беҳол  
Юлдузлар жимгина қулашиб кўкдан.  
Синглим, тура қолгин дегувчи ҳилол  
Фалакда оқариб ётар совуқдан.

Боғларга сездирмай қўнганида куз,  
Оппоқ рўмолингни олиб кетар сой.  
Қуёш сочларингни ювади кундуз,  
Тунлар — оғушида қуритади ой...

\* \* \*

Хотиралар бор ҳали  
Аламлардан,  
Оғриқлардан,  
41-йилнинг тонгги маҳали,  
Саратон.  
Овозлар келади ўқлардан..

Қушлар уйғонади ҳаммадан аввал,  
Уйқу бегонадир кексаларга ҳам.  
Онам ўраб олиб оппоқ рўмолин  
Йўлларга тикилар...  
Хотирлар онам.

Бу тош.

Бу йўл.

Бу эса... ариқ.

Дов-дарахтнинг сояси қуюқ.  
Бинафшалар ҳидига кўмилган олам.  
Унинг хаёлидан ўчгани йўқ, йўқ,  
Акам жангга кетган ўша қаттол дам  
Қорахат келган у мудҳиш лаҳза ҳам!

Хотирага тўла бу замин.  
Бу — менинг Онам:  
Бу — менинг Ватаним.  
Осмоннинг бир четида,  
Аскар кийимида, самолётда эмас,  
Булутда сайр қилиб юрибди акам.  
Хотиралар бўлмагай абас...

## ТОҒАМ АБДУХОЛИҚ ХОТИРАСИГА

Ўйладинг сен, айтмайлик, майли,  
Ёв ўқига бўлайлик нишон.  
Бизларнинг шу ўлим туфайли  
Ҳеч қаерда тўкилмасин қон.

Сен қайтмадинг отилган ўқдай,  
Сени уруш қаърига ютди.  
Бу овулда ҳеч эркак йўқдай,  
Унашганинг қиз бўлиб ўтди...

## ЎТАЁТГАН ЙИЛЛАР

Ингирманчи аср кечар асабий,  
Турфа қийноқларга солиб жонимни.  
Йўрғақлар меҳрибон волида каби  
Қадимий момомиз — Бибихонимни!

Чўллар қучоғида, тоғлар бағрида  
Оналар туғмоқда улкан ўғиллар.  
Юртимнинг энг хилват қишлоқларида  
Беруний, Синолар қайта туғилар!

Бу аср бағрида йўқдир мўъжиза,  
Самодан кузатар Ерни фазогир.  
Қундаи-қун кўпаяр кўзим ўнгида  
Нисонни қуршаган шубҳа, хавотир.

Яшашим керакдир ҳаловат билмай,  
Нурлар тезлигида қувлаб йилларни.  
Оқар томиримда қўшиқлар тинмай,  
Йиллар манглайимга чизар йўлларни!

Олиб учар мени йиллар қаноти,  
Юксак чўққиларга элтар, бокира.  
Янгидан бошланар менинг ҳаётим —  
Туғилдим — энди мен ўлмайман сира!

Ҳақиқатнинг теран осмопларига —  
Офтоб манзилига элтар бу йўлим.  
Лондоннинг қоронги туманларида  
Юрган одамларга чўзарман қўлим!

Йилларда мўъжиза рўй берар шунда,  
Огочлар бир-бирин одамдай суяр.  
Фалакнинг бегуноҳ қушлари унда  
Қайноқ кафтларимга келиб ин қўяр!

Қувончу изтироб тилиб кўксимни,  
Бошим Ер шаридай айланар тинмай.  
Опичиб ўтарман, башар, ўзингни,  
Оловли йўллардан ҳаловат билмай!



## ЯНГИ ИИЛ КЕЧАСИДАГИ ШЕЪР

Сен совуқ кулбада ухладинг музлаб,  
Ўртади қалбингни шиддатли огриқ.  
Менинг атрофимда сулувлар юзлаб,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Оппоқ қор тўхтамас, тўхтамас ҳамон,  
Келин либосини киймоқда борлиқ.  
Ахир, кўришмадик неча минг замон,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Наҳотки, бу ҳаёт алдовга тўла,  
Наҳот, инсон қалби ҳаминша доғлиқ?  
Умрим нурсиз қолса, ўзинг бер шуъла,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Соғлом кўшиқларни куйлайлик, малак,  
Синиқ кўнглимизни тўлдирсин шодлик.  
Қўнар сочларингга қорми, капалак,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Севгилим, ҳасратлар чекканим бекор,  
Нидо бер, ҳаётим сўзингга боғлиқ.  
Наҳот, танҳоликда куйлайман бедор,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ!

## ЎСМИР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Тунларнинг бағрига ташласа ўзни,  
Ёстиқлар бошига харсангдай ботар.  
Юлдуз кўчишидан юмолмай кўзни  
Осмонга безовта тикилиб ётар.

Шамоллар оҳини тинглар у сезгир,  
Меҳрибон онадир ўсмирга дунё.

Нурларга эгизак кабидир ўсмир,  
Туққан онасидир табиат гўё.

Пенидир тунлари ничирлаб лаби,  
Ҳаётбахш бир сўзга чоғланар ўсмир.  
Етти ранг мусаффо камалак каби,  
Еру осмон узра боғланар ўсмир!

Заминнинг дардлари қийнайди уни,  
Юраги зўриқиб, зирқирар боши.  
Кун келар, болага снновлар куни,  
Замин оҳларидан тугар бардоши.

Тунлар кўкрагига тошмисол ботган,  
Юракни қинидан олар суғуриб.  
Турфа оғриқларни олиб учаётган  
Ер шари ортидан кетар югуриб.

Юрагин туг қилиб қўлида тутгай.  
Вужуди йўғрилар шамоллар билан.  
Фалакнинг тоқига у балки етгай,  
Кўксигаги озод хаёллар билан.

Ҳеч ким тўхтатмоққа эмасдир қодир,  
У қуёш шиддатин қалбида туяр.  
Боқий ҳаёт учун ўспирин ҳозир  
Заминнинг ўқига юрагин қўяр!

## УКАМ АБДУМАЛИККА

Талабалик йиллар куйламоқда бот,  
Оқшомлар ўйноқи, шўх оҳангларда.  
Тонгларда уйғонар ўспирин ҳаёт  
Болалик аталган азиз рангларда.

Кувлар олиб кетар йироқлардаги  
Шодликка қоришиб қотган гамларни;  
Иккимиз қуёшли қиргоқлардаги  
Қумларга чўзилиб ётган дамларни.

Қорлар тўзғиётир, тарповларда қиш,  
Тун бўйи йўлакка тушмайди излар.  
Осон гап эмасдир қизларга ёқиш,  
Сени бурчакларга чорлайди қизлар.

Кўнгилга сирмайди курсдош таскини,  
Етар латифалар сўйлани кулиб.  
Охир унутганча аёз фаслини,  
Кўчага чиқаман бошланг бўлиб.

Ҳайқириб бораман сенинг ёнингга,  
Ошмоқ булутларнинг қучоқлари нам.  
Мен хабар келтирдим сенга онамдан,  
Саломлар йўллаган сингиллардан ҳам!

Сурхондарёдаги болалик ҳаққи,  
Куйлайлик ул дамлар ёдини тўлиб.  
Сенга бу ҳолатим ёқмайди балки,  
Балки ўлтирибсан андиша қилиб.

Мен эса бошлайман шиддатли қўшиқ,  
Йигитликнинг йўгон овозларида.  
Юраклар ҳайқира бошлайди жўшиб,  
Соғлом қўшиқларнинг парвозларида.

...Сурхон қирғоғига боғлиқ бир кема,  
Сурхон бўйларида мен севган сулув.  
Менга ул ҳақида ҳеч нарса дема,  
Абадий бокира қолсин бу туйғу!

\* \* \*

Кўзларимнинг қорачиғида  
Онам маъюс, узоқ силкир қўл.  
Хаёлимнинг олис бурчида —  
Мен тарк этган хилват бир овул.

Соқов борлиқ ортимдан қараб,  
Неларнидир қилар ишора.  
Ҳовлидаги энг кекса дарахт,  
Қоматини букар тобора.

Кўзларимнинг қорачиғида:  
Онам хафа, ўйланиб қолар.  
Жимирлаган ойнинг тиғида  
Хилват қишлоқ уйқуга толар..

\* \* \*

Ҳовлидан ҳовлига жимгина ўтдинг,  
Қирларда, баҳорим, югурдинг урэн.  
Беғуноҳ гўдажлар юзидан ўпдинг,  
Қадим тупроғимда азалий туғён.

Қизларнинг кўзидан ўгирлаб хобни,  
Турналар галасин тиздинг осмонга.  
Шан кенгликлар узра қувиб офтобни  
Юмушлар келтирдинг бободехқонга.

Нелар келмагайдир учқур хаёлга,  
Тушира олсайдим қогозга барин:  
Ошиққан ўспирин илк бор висолга —  
Тонгда эсаётган шамоллар сарин.

Чўпону сайёҳни айлаган сармаст  
Меҳмонсан юртимда, эй, фасли баҳор.  
Вояга етганман шу юртга пайваст,  
Шу юртга жонимни этарман нисор.

Аммо ўлкалар бор кибор ва ғирром,  
Одамни ажратар қораю оққа.  
Кинли муносабат, гаразли киром,  
Қоралар бир ёққа, оқлар бир ёққа.

Бегона сарҳадда жонсиз турналар  
Қулайди самодан — кўзларида мунг.  
Она сийнасини гўдак тирмалаб,  
Оппоқ сут ўрнига эмаётар хун!

Юртимнинг бокира ҳуснига боқиб,  
Ўзга диёрларга нажот излайман.  
Бир сўзни юз жосус этмоқда таъқиб,  
Кўкдаги ярадор қушдай бўзлайман.

Одам муҳтож экан токи ҳурликка,  
Саргашта кезарсан, баҳор, оламни.  
Сен қадим исёнсап зулм, хўрликка,  
Исёнга чорлайсан мазлум одамни.

Руҳимда шодликка айланар алам,  
Куйлар томиримда қонларим шошқин.  
Халқларга озодлик, шоирга қалам,  
Оламга қўшиқлар улашгин тошқин.

Жидовлай олмасдан қалбда ҳисларни,  
Бешумор ўйларга ҳамроз бўларман.  
Баҳор тимсолига излаб сўзларни,  
Хаёлан кўкларда парвоз қиларман.

## **ХИРОСИМАЛИК ҚИЗНИНГ КУНДАЛИГИДАН**

«Мингта турна ясай олсайдим агар  
Жами мушкулларим бўларди осон.  
Офтоб нурларига чулганган саҳар  
Турналар сасига тўларди осмон...»

Кечгача турналар ясарди нуқул  
Турналар тушига кирарди қатор.  
Елим, қоғоз, қайчи —  
Хаста қизалоққа бўларди дастёр.  
Ўчмоққа шайланар дастлабки турна,  
Қур-қурлар тўлдирар чексиз осмонни.  
Нораста бу гўдак бетиним уннаб,  
Қиргиндан қутқармоқ бўлар жаҳонни!  
Ин қурар қизчанинг жиемига бироқ  
Ҳали у туғилмай портлаган ваҳшат.  
Уруш бу ўлкадан кетса-да йироқ,  
Авлодлар қалбида ўчмагай нафрат!  
Юзта турна тайёр,  
Икки юз, уч юз.  
Қоғоз қушчаларни учирар еллар.  
Болалар ҳеч қачон тушунмас, афсус,  
Нечун бир-бирига ёвлашар эллар?!  
Турналар қизчани қутқара олмай  
Алвон уфқлардан излайди нажот.  
Энг сўнгги турнага дармони келмай  
Жажжи нигоҳларда музлайди ҳаёт!  
Сеҳргар эмасман — қайда у қудрат,  
Бегуноҳ қизчага жон ато қилсам.  
Асрим,  
Не сабабдан турарсан мудраб,  
Наҳот, қийналмайсан, бўлмайсан мулзам?!

\* \* \*

Умид билан менинг кўкка чўзган қўлларим,  
Тундай қора сочларингга боғланди, ёр-эй.

Олисе кунлар, олисе тунлар боғлаб йўлларим,  
Кўзларингни бир кўрмоқққа қилдилар зор-эй.

Елворардим тушларимдан кетма деб йироқ,  
Дунё асли кўзларимга бўлди-ку тор-эй.

Армон бўлдинг менга ҳар не армондин кўпроқ,  
Жўраларнинг юпанчлари қилмагай кор-эй.

Кўклам келиб булбулларнинг кўкеида доғи,  
Биз ўйнаган сайҳонликда алвон баҳор-эй.

Эриб битди Сурхондаги тоғларнинг қори,  
Лекин мангу эримагай кўкеимда қор-эй.

### НОМАЪЛУМ ЖАНГЧИ СЎЗИ

Бостириб ёв галалари  
Кирганда она ерга.  
Қирқ бирнинг болалари  
Айланди ёвқур шерга.

Қирдик ёвнинг қанчасин,  
Фашист аридай тўзди.  
Ногоҳ қонли панжасин  
Ажал ўзимга чўзди.

Ютиб кўзда ёшимни,  
Хазон бўлар баҳорим.  
Қучар менинг лошимни  
Биродарлик мозори.

Ғаним ўқига дучор  
Қилдим жонимни — танда!  
Аммо ўлганим бекор,  
Кезар руҳим Ватанда.

Авжи кўклам — мен повда,  
Замин — Онам, ялдизим.

Оқ тонгларда безовта,  
Порлаб турар юлдузим.  
Уммонларнинг қўйнида,  
Ўлмагай токи долга.  
Асрлар қуюнида,  
Тинмай чопарман олга!  
Тутолмайман хаёлни,  
Кўзимда ёнар тоғлар.  
Туплар ёлғиз аёлни,  
Хаёлларим қучоқлар!  
Абадиятни бўйлар,  
Ҳаводаги ол ялов.  
Жасоратимни сўйлар  
Гурлаб кўксимдан олов!

\* \* \*

Даладан қайтарди қиз,  
Шомда тугаб юмушлар,  
Мезон фасли, авжи Куз  
Сувга қўнди Оққушлар.  
Не бўлар таққослари,  
Боқди қушлар баҳсига:  
«Баҳор» раққосалари  
Тушар «Шахта» рақсига.  
Тўлқинларга уриб тўш,  
Сузаянсан дадил, шахд.  
О, гўзал қуш, гўзал қуш,  
Моҳирўйга тила бахт!  
Қушларим, бу малакка  
Қилманг ҳеч озоргина,  
Бахт, толедан бўлакка  
Бўлмасин ул ёргина!  
Не айтангиз ижобат  
Бўлгусидир, қушларжон.



Қизга айланг мукофот  
Юлдузлардан оқ маржон.  
Ўйлар сурмакни якка  
Ишққа йўялар дарров,  
Зулфлари жамалакка  
Оғиз солалмас биров!  
Уйга қайтар тун чоғи,  
Кузатиб Оққушларни.  
Кечалар қиз қучоғи  
Қучар оппоқ қушларни.  
Кеча сўнгида ногоҳ,  
Айланар ул Оққушга.  
Оламда энг бегуноҳ,  
Оламда энг пок қушга.  
Гўзал қушлар ортидан,  
Учар олис маконга.  
Қайтар саҳар вақтида  
Дала — таниш осмонга!

## ОРОЛ ЭРТАГИ

Ўғлон узоқларга кетади жўнаб,  
Олиб бир сулувдан «Кутаман» сўзин.  
Сулув шу кунийёқ қилди хиёнат —  
Бегона эркакка тўпширди ўзин.

Кўзи манзарида диёри дуркун,  
Ўғлон ул гўзални соғинар ғоят.  
Бу олис йўлларни қаритиб бир кун  
Она ватанига қайтар ниҳоят.

Ўғлонга нигоҳлар боқар таънали,  
У ҳам хонларга ҳукм ўқир тезда.  
Тун ярим Теварак уйқуда ҳали,  
Икки мурда тушар асов денгизга.

Наҳотки одамзод икки бор ўлса!—  
Ўғлон кўзларини ўрайди туман.  
Тонгда денгизчилар соҳилга келса,  
Икки хиёнаткор ётар юзтубан.

Фақат кўринмайди ҳеч қайда ўғлон,  
Тақир қирғоқ бўйлаб овул югурар.  
Ўғлон жасадини бу пайтда уммон,  
Муздай оғушига олиб улгурар!

## А Л Л А

### 1

Ухла, болам,  
Қулуним, ухла.  
Оҳуларинг ухлайди тоғда.  
Турфа гуллар очилар боғда.  
Ухла, болам,  
Қулуним, ухла.  
Балоғатга етиб бир кун,  
Фазоларга дадил бўйларсан.  
Юлдузларга тўла ёз тун,  
Авлодларим ким деб ўйларсан!

### 2

Тинчлик бизга толе, ҳуқуқдир,  
Мовий фалак — улкан бир кўзгу.  
Дунё сокин, урушлар йўқдир,  
Қирқ йилдирки, ниятлар эзгу.

Ҳали етук бўлмаган гарчи,  
Етмагандир вояга инсон.  
Қирқ йилдирки, тириклик чархи  
Айланмоқда ўқида равон.

Ухла, менинг шўх болатойим,  
Ер юзининг ташвишини қилма.  
Улғайганинг чоғда ҳам доим  
«Атом», «қурол» сўзини билма!

3

Бобонг жангда топширди ўзни,  
Банддир тинчлик ишида отанг.  
УРУШ! Таниб олгин бу сўзни  
Душманингдир у сенинг, зотан!  
Ухла, болам,  
Қулуним, ухла.  
Ором олгин, қўзим, шу соат,  
Манглайингда порлар саодат.  
Ухла, болам,  
Қулуним, ухла.

### Э Ў Т И Қ О Д

*Ун тўрт Туркистон ҳарбий комиссари ёдгорлиги  
олдидаги мангу олов қошида*

Бу ерда одамлар бир-бирига дўст,  
Поездлар ғувури чулғар идроким.  
Келиб пойингизда тураман бесўз,  
Руҳимда бир тугён бўлади ҳоким.  
Қурбонсиз эмасдир кураш йўллари,  
Тиз чўкиб яшайдан тик ўлган афзал.  
Ортига бурилмас тарих қўллари,  
Эътиқод — йўлингиз ёритган машъал!  
Эътиқод, виждондан юрганлар тониб  
Умрини чўзишга уринар гоҳо.  
Инқилоб йўлида гулханда ёниб,  
Эътиқод йўлида бўларман фидо!

Хоинлик — талваса эрур муваққат,  
У қайда дуч келса тортамиз ҳушёр.  
Четдан қараганда ҳайкалсиз фақат,  
Аслида руҳингиз ҳаминча бедор!  
Фарёдим, ҳаётим, достоним менинг —  
Мени деб ўлганлар ёдин тиклайман.  
Инқилоб қилганлар — йигит ўлганлар,  
Сонсиз қаҳрамонлар отин тиклайман!  
Шафақда қуёшмас — порлоқ қонингиз,  
Дунёга келмоқда авлодлар янги.  
Боқийдир тоабад сизнинг тонгингиз,  
Инқилоб бош узра қуёшдир мангу!  
Бу ерда одамлар бир-бирига дўст,  
Кутиш, кузатишдан толиқмас вокзал.  
Эътиқод йўлида ўлар коммунист —  
Тиз чўкиб яшашдан тик ўлган афзал!

\* \* \*

Кўзингдан олиб фараҳ,  
Юрагимни доғладим.  
Вужудим Ерда карахт,  
Руҳим кўкка чоғладим.

Ёнимда бўлсайдинг сен,  
Кўкда этардим парвоз.  
Турмасдим ҳовучлаб мен  
Юрагим мисли дорбоз.

Номалум қай осмонда  
Портлар юрагим ногоҳ.  
Қай юртда, қай маконда  
Топилур менга паноҳ.

Айб этма кўзёшларни,  
Ҳажрингда чекдим фарёд.

**Қўпорарман тошларни  
Тоғларда мисли Фарҳод!**

**Ҳам Ерда, ҳам самода  
Мавжудман асли ўзим.  
Сен бўлмасанг Дунёда  
Кимга керакдир сўзим?**

**Ўлим ҳақдир, тонмайман,  
Ҳаётим — сен, сен — ажал.  
Булулларда ўйнайман,  
Юрак — қўлимда машъал!**

## **Ў Г И Т**

**Ғанимлар кўзига тик қаролмасанг,  
Юртингни ёвлардан қутқаролмасанг,  
Ғамингни шодликдай сипқаролмасанг,  
Умрингни беармон ўтқаролмасанг,  
Болам, бу умрни яшадим дема.**

**Бил, ўз тупроғидан айрилган сари  
Хазонга юз бурар равзанинг боғи.  
Сенга тоғ туюлса ўзгалар қири,  
Сўнса оталарнинг ёққан чироғи,  
Болам, бу умрни яшадим дема.**

**Инсонга бир марта берилган ҳаёт,  
Уни эзгуликка сарфла, одамзод,  
Неча Жамшид ўтди, неча Кайкубод,  
Ғар сенда йўқ эрур собит эътиқод,  
Болам, бу умрни яшадим дема.**

\* \* \*

Тонг ютади оқ юлдузларни,  
Яқинлашиб келмоқда саҳар.  
Юракдаги бедор сўзларни  
Сенга айтгим келади, шаҳар.

Ишонардим, ёш чоғларимда —  
Ўз қуёшим, ўз ойим бўлур.  
Ҳайрат порлаб нигоҳларимда,  
Ишонардим, иқболим кулур.

Шаҳардаги торгина хонам,  
Кўзларимга маънос термулар.  
Йироқдаги ёлғизим — онам  
Иқболимдан умидвор бўлар.

Келаётир кунлар бокира,  
Йиллар эса учар тизилиб.  
Кечмишдаги жами хотира  
Пешонамга қолар чизилиб.

Кўксимдаги бу юрак занглаб  
Ётмагайдир бутун умрга.  
Мен ҳаётни етарман англаб,  
Тилакларим қорилар нурга.

Улғаяман энди ҳар нафас,  
Ойдинланар қалбимда ҳислар.  
Шу юрт, шу эл омон бўлса бас,  
Орзумизга етармиз бизлар!

Қалбга яқин не бўлса, қайтар,  
Туман ҳислар тарқалар гўё.  
Менга соғлом қўшиқлар айтар  
Менга дардлар бахш этган Дунё!

## БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ

Оқ тоғларда уйғониб бирдан,  
Оёқ яланг далалар кезсам.  
Болалигим жилмайиб турган  
Ул ёқларга бош олиб кетсам.

Шумтоларнинг ҳайбатли акси,  
Савлат тўкиб жимирлар сувда.  
Юлдузларнинг тонгдаги рақси,  
Гуллар тебранади осуда.

Бостирмада кўпик сачратиб,  
Тўйиб эмар тарғилни бузоқ.  
Водийларни кўкка қаратиб,  
Қуёш тоғдан мўралар шу чоқ.

Боғларда гул тўққанда анор  
Онам мени кузатар йўлга:  
«Ўғлим, донм қилиб тур хабар,  
Биздан асло хавотир бўлма».

Сўнгра ҳар кеч ул ўчоқбоши,  
Онагинам киради тушга.  
Дўстлар, кўпроқ бизларнинг ёшлик  
Оналарни солар ташвишга.

Едга тушар кунлардан бир кун  
Болаликнинг олис хотири.  
Шунда юрак йиғлайди беун,  
Ошкор бўлар дунёнинг сирини.

Мени уйғотади ҳар сафар,  
Тонглардаги сокин бир қўшиқ.  
Олисларда соғиниб яшар  
Юракка энг қадрдон кишини!

\* \* \*

Ўзбек диёрида кезмоқда қуёш,  
Мудроқ табиатга киргизди амал.  
Нақ боғлар устида сузмоқда қуёш,  
Тонгда новдаларни уйғотди ҳамал.

Яна бутун олам ҳайратга тўла,  
Қизлар каштасидан олгандай улги.  
Булоқлар кўзида ўйнаган шуъла —  
Далачи қизларнинг лабида кулги.

Яланг саҳроларда лолалар қизғин,  
Офтоб шарафига кўтаргайдир жом.  
Тириклик шаънига айтади олқини  
Яна чигирткалар куйлашиб оқшом.

Саҳар уйғонганда сачраб уйқудан,  
Тошиб кетганида кўзимда ҳайрат:  
Кўклам юрагимга қуйган туйғудан  
Мунаввар офтобга йўлладим раҳмат!

### ОТАМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Кездим шаҳар — ўйларим порлоқ,  
Тўйиб қору ёмғир исига.  
Қишлоқдаги сочлари опшоқ  
Деҳқон отам тушиб эсимга.

Қору ёмғир асли ёруғ юз,  
Элу юртда маъмурлик шоён.  
Ватанингга гар бердингми сўз  
Устидан ҳам чиқарсан, аён.



Чўллаган бог мева бермасдан,  
Қувраб қолди бир йили роса,  
Ота, боққа парво қилмасдан,  
Сугорардинг ойдида ғўза.

Ота, хазон бўлмагай богинг,  
Шигил мева тугар бехато.  
Юрагингдан кетгайдир догинг,  
Бу йил сувлар серобдир, ота!

Сен аҳёнда бир қур ўйлайсан  
Аёлингни, бодаларингни.  
Бироқ чуқур, чуқур ўйлайсан  
Пахтазоринг, далаларингни!

Улгайишар ўғиллар дуркун,  
Ейишар-ку топиб нонини,  
Чўллаб қолган ғўзалар учун  
Қизганмаслар улар қонини.

Қорайтириб юзингни оташ,  
Офтоб ҳамроҳ бўлади якдил.  
Сугорасан уфққа туташ  
Эгатларни қувошиб бу йўл!

Ҳали ўқилмаган китобдир,  
Далаларга ёзган достонинг.  
Дарёларинг бу йил серобдир,  
Отажоним — Ўзбекистоним!

## КЎҲНА ОҲАНГ'ЛАРДА

Оқшом қуюлади, ҳолим забундир,  
Йироқ юлдузларга интизор боқдинг.  
Бу қандай гаройиб, соҳира тундир,

Гирдимда ям-яшил баҳордай оқдинг.  
Ой ўтлар қирларда, юлдуз сувлоқда,  
Икков сирлашайлик, жоним, овлоқда.

Ой юзингга ойна бўлсам бўларми,  
Эгачингга язна бўлсам бўларми,  
Авжи баҳорингда гулзор оралаб,  
Гулларинг атрига бағрим тўларми?  
Ой ўтлар қирларда, юлдуз сувлоқда,  
Икков сирлашайлик, жоним, овлоқда.

Ипак сочларингга бўлдим мен банда,  
Чақноқ кўзларингга зиёдай сингдим.  
Қалбингга бир нажиб дунёдай сингдим,  
Бу ошкора дунё бўлди шарманда.  
Ой ўтлар қирларда, юлдуз сувлоқда,  
Икков сирлашайлик, жоним, овлоқда.

Севгимни жориё этингиз, боғлар,  
Куйла бошим узра, ложувард осмон.  
Завқу эҳтиросга тўлиқ бу чоғлар,  
Қайтиб келмас, қайтиб келмас ҳеч қачон!  
Ой ўтлар қирларда, юлдуз сувлоқда,  
Икков сирлашайлик, жоним, овлоқда.

\* \* \*

«Юрагингни бергин, жонгинам, фақат,—  
Кўзлар шивирлади безовта, нотинч,—  
Мен унга бахш этай ажиб муҳаббат,  
Қувончга йўғрилган изтироб, соғинч».  
Топширдим юрагим қилмасдан шубҳа,  
Меҳрибон қўлингга топширдим, Раъно.  
Қисматим, аъмолим эрур бу тухфа,  
Ишониб топширдим мен сенга танҳо!

Сен уни ардоқлаб севишга қодир,  
Исёнкор руҳига бағишлаб журъат.  
Ҳар не тўсиқлардан ўтмоққа ҳозир  
Оламда муҳаббат аталган қудрат!  
Енгил йўриқларни кўрмагил раво,  
Кезсин саҳроларда ташналаб, яёв.  
Вафо кўчасига мен етгунча то  
Бир лаҳза қалбимга бўлмасин аёв.  
Юксакликлар бўлса оламда неки,  
Етаклаб ўт уни ҳад билмай сира.  
Чиниқиб улгайсин ундаги севги,  
Офтоб нурларидай бўлсин бокира.  
Агар муҳаббатда англаб ўзлигин  
Етмаса, айлансин совуқ бир топга.  
Гулларнинг раъноси — қоракўзлигим,  
Маломат тошларин ёғдиргин бошга.  
«Юрагингни бергин, жонгинам фақат,—  
Кўзлар шивирлади безовта, нотинч.—  
Мен унга бахш этай ажиб муҳаббат  
Ва бахтга йўғрилган изтироб, соғинч!»

## ШЕКСПИРНИ ЎҚИБ

Мангу ҳижронингни қалбимда туйдим,  
Учиб кетганинга айланиб қушга.  
Мен сени шунчалар армонли суйдим,  
Сен эса ҳаттоки кирмадинг тушга.

Сен бодом гулидай бир гулки, хушбўй.  
Менинг гулзоримда кўрсатдинг жамол.  
Букуи сен ҳақингда ўзгардию ўй,  
Зангор фаслларим тондилар завод.

Сен эдинг оламда умримга маъни,  
Ҳайратга тушмагил бу хил таъбирдан.

Тўсатдан ўртага кирдию ганим,  
Яго ҳам қад ростлаб турди қабрдан.

Сен аввал юрардинг, сулув, ёнимда,  
Нетай бир сония қолдимми мудраб?  
Бу хилда яшамоқ тегди жонимга,  
Кўкракда Отелло дардини судраб!

\* \* \*

Бузилар ёмгирининг томчиларидан  
Боғларнинг қўйнига қамалган сукут.  
Олисан — кўкламнинг совчиларидан  
Келтирса биринчи саломни булут.

Осмон такрорлайди тинмай бир сўзни,  
Туёқ изларида ялпизлар бўйи.  
Челаклаб қуйгандек очирмай кўзни  
Оламни тутуди ёмгирлар куйи.

Сирғаниб четидан ёмгирпўшларнинг  
Тақир сўқмоқларни қамчилаб турар  
Ва узоқ гашига тегиб қушларнинг  
Булут карвонлари изғиниб юрар.

Куртаклар тўлишиб, ёмгир сувидан  
Кўркам қоматини силкир арчалар.  
Томнинг бўғотида турар ивиган  
Патларни қуритиб дилгир зағчалар.

Субҳидам. Урикзор мудроқ тўлғонар,  
Қушчалар баҳорни қутлайди маҳтал.  
Оламнинг беғубор тонги уйғонар,  
Минглаб томиримда гуллайди ҳамал!

\* \* \*

Гинам йўқдир асло ҳаётдан,  
Шамолларга юзма-юз суздим.  
Юрагимнинг тубида ётган  
Қўшиқларни олмадек уздим.

Икки дунё бўлди бир қадам,  
Ёндим икки ўт ичра мангу.  
Келаётир аскардай шаҳдам,  
Олдда гўзал кунларим янги.

Тин олмоқлик ҳаётда ўлим,  
Ҳаракатда онамиз дунё.  
Курашларда барқарор йўлим,  
Байроғимдир ҳақиқат танҳо!

## Ч О Р Л О В

Букун тилларимга бўйсунмас сўзлар,  
Куйлар томирларим — жарангли торлақ.  
Осмонни тўлдириб турган юлдузлар  
Бизларни бахтиёр бағрига чорлар.

Камалак сингари кўкка тирмашиб,  
Шахт-ла тўлқинларга урайлик қанот.  
Олов нафасимиз лаҳза чирмашиб  
Чақинга айланиб кетайлик озод.

Алвон ёноғингдан таралгай шуъла,  
Офтоб хавотирга тушади ногоҳ.  
Юрагим афсункор гулларга тўла,  
Сенга аталгандир кўкемдаги боғ!

Юракнинг бетўхтов дупурларидан,  
Гўзалдир бир хилда оҳангни туймоқ.  
Оҳиста симириб ой нурларидан  
Гўзалдир бир хилда оташда куймоқ.

Ҳамроҳимиз бўлгай кўкдаги офтоб,  
Муяссар бўлурмиз бахтга мукамал.  
Кўксимда юракка айлангин, моҳтоб,  
Бахтлар диёрига кетишдан аввал!

\* \* \*

1

Дарёдай мавж урган йилларнинг  
Тўлқинлари қайтмагай ортга.  
О, қизгина, қирқкокиллари  
Тортиқ этдинг ўзга бир зотга.

Тортиб нозик қирқкокиллардан,  
Қувлашмоққа сен-ла баема-бас.  
Ошиб бу залворли йиллардан  
Ўтмоқ менга мушкул бу нафас.

2


Кўрқиб умид узмоқдан тамом,  
Юрагимдан сени ахтардим.  
Тинчимни тарк этдим бу оқшом,  
Тун товушсиз нафас олар. Жим.

Қайга борсам қолмас ортимдан  
Кўзларингнинг боқиши ҳайрон.  
Кетсанг ҳамки сен ҳаётимдан  
Юрагимдан кетмассан, аён!

# БАХТИЁР БОБОНОВ

---

## *Мен эшик қоқаман*



1954 йили Иштихон  
районининг Ҳазорбобо  
қишлоғида туғилган.  
ТошДУнинг журналистика  
факультетини тугатган.

## МУНДАРИЖА

«Соф олтинчи мен сувларга иргитмасман...» . . .	32
Мақтуб . . . . .	33
Бобожон . . . . .	36
«Тошги шудринг ялтирайди» . . . . .	37
Бир баҳор кечасида . . . . .	38
Мўлжал . . . . .	39
Ёмғир ёғар майдалаб . . . . .	41
Унутилган бошоқлар . . . . .	42
Фожиа . . . . .	44
«Одамлар нигоҳин...» . . . . .	44
Тор доиралар . . . . .	45
«Қиндан суғурилган қиличдек бир зум...» . . .	45
Маъсума . . . . .	46
Дарвоза ортидаги бола . . . . .	47
«Эшиклар ёпилади. Кейинги бекат...» . . . . .	48
«Чўққилар ортига кун қўяр қадам...» . . . . .	49
«Майин кўклам кечасида...» . . . . .	49
«Ўша салқин куз оқшомин...» . . . . .	50
«Тунлардан сен паноҳ излама, жопим...» . . . .	51
«Яна бўм-бўш мизғир почта қутиси...» . . . . .	51
«Мен эшик қоқаман...» . . . . .	52



Соф олтинни мен сувларга ирғитмасман,  
 Ахир, унга эришмоқлик машаққатдир.  
 Мен уларни юрагимдан сидирганман,  
 Бу кун элга улашмоғим — саодатдир!  
 Дўстлар, менинг олтиним на тангалардир —  
 Эзгуликнинг пойига зўр кишан бўлган,  
 У на зумрад, на бир ёқут, на гавҳардир —  
 Бармоқларга зийнат бўлган, ҳашам бўлган.  
 Олтиним бу — гоҳи ҳижрон саҳросида  
 Юлдузларга боқиб битган мисраларим.  
 Гоҳ хаёлнинг поён билмас самосида  
 Хушнуд қанот қоқиб битган мисраларим...  
 Соф олтинни мен сувларга ирғитмасман,  
 Ахир, унга эришмоқлик машаққатдир.  
 Мен уларни юрагимдан сидирганман,  
 Бу кун элга улашмоғим — саодатдир!  
 Соф олтиним, сенга ҳеч зот қарамаса,  
 Ё алҳазар, бор уволнинг тутсин мени!  
 Гар элимнинг бир корига ярамасанг  
 Тубсиз денгиз гирдоблари ютеин мени!

## М А К Т У Б

### 1

Ташқарида изиллар ел,  
 Силкинади чироқлар.  
 Мадад сўраб, деразамни  
 Чертар сўнгги япроқлар.  
 Эрта баҳор дарёларда

Кўчган музлар сингари  
Аҳён-аҳён оқ булутлар  
Кўкда кезар сарсари.  
Ана, олис гўшасидан  
Ой мўралар паришон...  
Худди шу тоб кўз ўнгимга  
Сен келасан, онажон!  
Балки сен ҳам шул сония  
Пастак дарча тагида  
Хаёлларга чўмгандирсан  
Ўжар ўглинг ҳақида.  
Шомлар ҳижрон кўшигини  
Куйлаб ўтса турналар,  
Шафқат билмас соғинч тини  
Юрагингни бурдалар.  
Шунда уфққа сингиб кетган  
Сўқмоқларга бурсанг юз,  
Кўзларингга элас-элас  
Чалинади бир юлдуз.  
У жилвалар қилса ҳамки  
Тунлар тиним билмайин,  
Шаън юлдузлар аро уни  
Илғаб олмоқ кўп қийин.  
У юлдузнинг на донғи бор,  
На арзирли зиёси.  
Лек умид қил, балки унинг  
Бордир сирли дунёси...

## 2

Авжга чиқар ел увлаши,  
Нола чекар нотинч боғ.  
Шамолларга дош беролмай  
Қайлардадир синар шох...  
Мен беўхшов сатрлардан

Сезиб қалбинг тафтини,  
Она, тўлиб ҳижжалайман  
Сўнги ёзган хатингни.  
Сен ёзибсан, чорбоғларга  
Ўйчан кузак кирганин.  
Озмалар ўз ҳосилини  
Кўтаролмай турганин.  
Сўнгра ўша... ўша қизнинг  
Хислатларин таърифлаб,  
Парво қилмай ўз вақтида,  
Қолма дебсан лаб тишлаб.  
Қишлоққа ҳам илк автобус  
Қатнаганин айтибсан.  
Ниҳоят, хат охирида  
Муддаога қайтибсан:  
«Болам, шунча ўқиганинг,  
Юрт кезганинг бўлди-да.  
Ким бўлсанг ҳам, юргин энди  
Шундоқ кўзим ўнгида!»  
Оҳ, бу мактуб! Ҳолатимни  
Кўрсанг эди шу тобда.  
Дил туйғусини сўзлар билан  
Қандоқ айлай ифода?!  
Меҳрибоним, ҳар лаҳзада  
Талпинсам-да сен сари,  
Мени ёлғиз қишлоқ эмас,  
Ўйлантлар Ер шарин...

3

Богда сарғиш из қолдириб  
Куз қамчилар отини.  
Хаёлларим бу пайт кезар  
Чўл, денгизлар ортини...  
Ана, араб саҳросида  
Жон берар бир тенгқурим!

Бу фидойи қалб олдида  
Азобдадир ёш умрим.  
Бир тенгқурим кўз илгамас  
Фазодан қўл силкитар.  
Бири шимол тайгасидан  
Онасига хат битар.  
Бири эса йиллаб кўрмай  
Гўшаси ва ёрини,  
Маскан этмиш музликлару  
Оксанлар қаърини..  
Барчаси ҳам ёниб қўмсар  
Тутишганлар васлини.  
Лекин бу ҳис қайтаролмас  
Ўтли юрак шаштини!  
Ҳа, бу кунлар пиддатини  
Кўрмайсанми, волидам.  
Буни дилдан англаб туриб,  
Яшаб бўлмас хотиржам.  
Меҳрибоним, менга бўлган  
Меҳринг сўзсиз аёидир.  
Аммо ўзга бир меҳр ҳам  
Менга буюк армондир.  
Жўшқин, уйғоқ юрагимга  
Ором бермай шу орзу,  
Салқин кузак тунларида  
Шеър битарман беуйқу.  
Бор ташвишу ғамларига  
Қалқон айлаб кўкрагим,  
Шу она-Ер меҳрини ҳам  
Қозонмоқдир истагим!

## **Б О Б О Ж О Н**

Қушчалардан холи қолмиш қорамтир осмон,  
Манглайимга шом экини уришар сарин.

Кўзларимга ёт кимсадек боқманг, бобожон,  
Олийлардан қўмсаб келдим дала тунларин.  
Парво қилманг менинг ажаб кийимларимга,  
Парво қилманг сира ўсиқ сочларимга ҳам.  
Сиз яхшиси назар ташланг ёниқ қалбимга,  
Бобожоним, бор хислатим унда мужассам.  
Билсайдингиз, далаларни кўрган кезимда  
Мангу ошиқ юрагимнинг тезлаб урганин.  
Билсайдингиз, бу тутзорлар мени ўзига  
Илк муҳаббат каби мудом чорлаб турганин!  
Яшил дала тунларининг нашъасин туйиб,  
Қулоқ тутгум жўякда сув жилдирашига.  
Қарайдурман уватдаги чимга бош қўйиб,  
Самовотда зар юлдузлар жимирлашига.  
Ногоҳ қўзгаб кўксимдаги фарзандлик ҳиссин,  
Қулогимга эртак сўйлар бўлиқ пайкаллар.  
Пинҳон тутиб олдиндаги зафарлар сасин  
Жавоҳирли денгиз янглиғ вазмин чайқалар.  
О, қайтадан ёш дилимга гурур тўлдириб,  
Ҳотамқалб эл саховати бўлар намоён!  
Бу дунёда юрар бўлсам мен кўкрак кериб,  
Бунинг ёлғиз сабабкори сизсиз, бобожон!

\* \* \*

Тонгги шудринг ялтирайди

Наъматаклар баргида.  
Оққушгинам, мен чорларман  
Сени тоғлар бағрига!  
Қара, кўкиш дараларда  
Тарқаб борар туманлар.  
Пойимизга ястанибдир  
Камалакранг чаманлар.

Ким айтади, бу ҳаётда  
Бекор дея муҳаббат?!  
Барча дилни у забт этса,  
Бу дунёни чулғар бахт...  
Майли, кимдир оптимиздан  
Ишқ туйғусин қоралаб,  
Тўйғунича вайсайверсин  
Тор тирқишдан мўралаб!  
Бизлар эса чоққиллайлик  
Мастона қўл ушлашиб.  
Сўнг чўмайлик хаёлларга,  
Булулларга тенглашиб.  
Унда бизни мафтун айлаб  
Сор бургутлар парвози,  
Ғийбатларни босиб кетсин  
Шаршаралар овози!..

## БИР БАҲОР КЕЧАСИДА

Самоларда сокин сузган паға булул остидан  
Ҳилол чиқар гуржиларнинг шох-қадаҳи сингарин.  
Бундай кеча аралашсанг қалин дўстлар баҳсига,  
О, тамоман ёзилгайдир кўнгилнинг бор чигали.

Қизгин-қизгин давраларга чорланади дўстларим.

— Узр, дўстим...

Илк висолга келар бўлди дилбарим!

Ҳув этакда сой шовулар, сас беради бедана,  
Майсазорда анқиб ётар ялпиз испи, гул испи.  
Создир қўлга қалам олмоқ бу фараҳли кечада,  
Ҳар бир бутоқ орасидан имлар илҳом париси.

Йўлларимга маҳтал турар етилмаган шеърларим.  
— Узр, шеърим..  
Сени илк бор тинглар бўлди дилбарим!

То ярим тун ўлтираман йўлдан нигоҳ узмайини,  
Олисларда авжга чиқар дўстларим шод кулгуси.  
Лоқайд йигит қилигидан аразлаган қиздайин  
Йироқларда йиғлар энди нозли илҳом париси.

Ердин эса дарак бўлмас, ўртанади зор қалбим.  
— Узр, қалбим..  
Тагин сени тиглар бўлди дилбарим!

## М У Л Ж А Л

*(«Жангчи қўшиқлари» туркумидан)*

Менга қурол беринг!—  
Уеиш асерининг  
Мукаммал саналган асл қуролидан.  
Шундай қурол беринг  
Жангчи наслининг  
Ходи бўлсин барча «аҳтимол»идан..  
Сафдошим, нечундир шу тонг қалбимда  
Ўқ узиш истаги кўтармиш туғён.  
Лек ногоҳ тепкини босган чоғимда  
Зарра озор топмас муқаддас инсон!  
Зарра озор топмас ҳайвонлар ҳамда  
Мовий бўшлиқларни тўлдирган қушлар.  
На жароҳат қолур бирор-бир танда,  
На соғлом бошларни тарк этар ҳушлар.  
Мен узган ўқ янграб қалдироқсимон  
Бутун Коинотни ларзага солсин!  
Сўнгра... мавжуд бўлса неки тирик жон  
Бир зум, бир лаҳзалик сукутга толсин..

Мейга қурол беринг!—  
Үсин асрининг  
Мукаммал саналган асл қуролидан.  
Шундай қурол беринг!—  
Замон аҳлининг  
Дарак бериб турсин илм камолидан.  
Йўқ, сайёд эмасман ёки ҳаётда  
Эрмак тополмаган қуролли подон!  
Аммо шу мислсиз тараққиётда  
Менинг ҳам мўлжалим борлиғи аён...  
Мўлжалим:

Жо бўлсин ўқ садосида  
Освенцим бағрида чекилган оҳлар;  
Токи титраб кетсин мангу осуда —  
Сесканиш билмаган ҳайбатли тоғлар!  
Мўлжалим:

Ўзига жо қилсин бу ўқ  
Хиросима халқи фарёдларин ҳам;  
Жонсиз боласига талпинган мушфиқ —  
Сонгмилиқ онанинг арз-додларин ҳам!  
Ҳа, мавжуд жаллодлар ўқ садосидан  
Чўчиб, қонли кўзин очолсин буткул  
Ва кечиб ўз чирик эътиқодидан,  
Қизиган қуролин айласин чил-чил!  
Сўнгра бу ўқ зафар чақмоғи каби  
Фазолар қаърига кириб йўқолсин..  
Мўлжалим:

мен узган ўқ дунёдаги  
Энг сўнги отилган  
ўқ бўлиб қолсин!



## ЁМҒИР ЁҒАР МАЙДАЛАБ

*Чўлқувар Адаш оға хотирасига*

1

Олисларда чақмоқ чақар,  
Булут келар сафма-саф.  
Салқин шаҳар боғларига  
Ёмғир ёғар майдалаб...  
Оға, бу кеч ёдга олдим  
Ўт болалик дамларин.  
О, саз эди навбаҳорнинг  
Серёмғир у шомлари!—  
Эски сандал атрофига  
Қалдирғочдай терилиб,  
Собир ота эртакларин  
Тинглар эдик берилиб.  
Эшитганда ботирларнинг  
Девлар билан жангини,  
Эгалларди зўр ҳаяжон  
Биз гўдаклар қалбини.  
У келбатли ботирларни  
Бир бор кўрмоқ армони  
Бизга тинчлик бермас эди  
Болаликнинг ҳар они..  
Кейин эса... Теграмизда  
Эсиб қанча шамоллар,  
Ҳовлидаги зардолидай  
Улғайдик биз ниҳоллар.  
Сен жўнадинг саҳроларга  
Мардона енг шимариб.  
Мен отландим тезкор аср  
Ботирларин ахтариб...

Олисларда чақмоқ чақар,  
 Ёмғир ёғар майдалаб.  
 Қишлоғимдан хабар келди  
 Юрагимни қиймалаб —  
 Сайёд ажал ёш жонингга  
 Қасд айламыш, огажон!  
 Ҳазарбобо чорбоғлари  
 Шовуллайди заъфарон..  
 Ҳув ботирлар олганидай  
 Ваҳший девлар измини  
 Энди қўлга олган эдинг  
 Асов чўллар тизгинин.  
 Бугун эса.. Тилим бормас,  
 Эҳ, лаънати тасодиф!  
 Йигламоқда гўзалар ҳам  
 Бир гамхўрин йўқотиб.  
 Ога, гарчанд асримизда  
 Қаҳрамонлар бисёрдир;  
 Энг аввало сен экансан  
 Мен ахтарган у ботир!  
 Эсиз! Буни кеч англадим,  
 Кеч англадим, огажон !  
 Бунинг учун мен ўзимни  
 Кечирмасман ҳеч қачон.  
 Эмди сиймонг жонланмоқда  
 Тикилмайин қай тараф.  
 Ташқарида бўлса ҳамон  
 Ёмғир ёғар майдалаб.

## УНУТИЛГАН БОШОҚЛАР

Кечагина бугдойзорни  
 Тутган ҳосил қўшиғи

Энди олис-олисдаги  
Хирмонларда янграйди.  
Бугдойзорнинг унутилган  
Бир жуфт олтин бошоғи  
Бош тебратиб кимларнингдир  
Йўллариغا қарайди.

Ана, тўйган қўзичоқдек  
Чоққиллашиб-сакрашиб,  
Шу тарафга келаётир  
Шўх ва ширин болалар.  
Чучук тилда чулдирашиб  
Кетишарлар қир ошиб,—  
Болаларни қизиқтирар  
Хув ҳайбатли қоялар.

Ошиқ билан маъшук ўтар  
Ҳаяжондан энтикиб,  
Кулиб турган бахтларидан  
Кўкка етиб бошлари.  
Ортларидан ўсмир қизлар  
Қолишаркан кўз тикиб,—  
Бошоқларни сийпаб ўтар  
Маъшук қизнинг сочлари...  
Кечагина бугдойзорни  
Тутган ҳосил қўшиғи  
Оқ нон тўла дастурхонлар  
Атрофида янграйди.  
Бугдойзорнинг унутилган  
Бир жуфт олтин бошоғи  
Бош тебратиб кимларнингдир  
Йўллариغا қарайди...

## Ф О Ж И А

Тун маҳали тўфон туриб ўркачеимон,  
Гарқ айлади денгиздаги бир кемани.  
Бу хабарни тарқатишда ёришмай тонг  
Эфирларнинг тиним билмас тўлқинлари.  
Фожиа-ку, даҳшатлийдди, оҳ, нақадар!  
Юрақларни ваҳим босар эшитган дам.  
Лек... фожиа ҳақидаги шум хабарлар  
Даҳшатлироқ эди унинг ўзидан ҳам...

\* \* \*

Одамлар нигоҳин экранга қадаб,  
Лаънатлар ёгдирар одамхўр ёвга.  
Бўйсуимас Лазони қийнаб беадад,  
Охир иргитдилар ёвуз оловга!  
Мана, бир болакай муштчасини тугар,  
Чақноқ кўзларида изтироб гарди.  
У гоҳо сапчийди, гоҳ ер тенинар..  
Болакай йиғлайди... Кимдир орқадан  
Бўлмади, аламдан ҳўнграб юборди.  
Болакай йиғлайди...Кимдир орқадан  
«Халал берма!» дея жеркар — тўнгиллар.  
Бир заррин безаклар таққап оқбадан  
Болакай устидан ҳиринглаб кулар!  
Бас! Мурғак боланинг ошкора ҳисси  
Кимларга қандайин таъсир этмасин,  
Яширмоқ не даркор —  
Унинг йиғисин  
Менинг юрагимга бермоқда таскин.  
Ахир жанг, жафолар бўғзига келган  
Бу мажруҳ асримиз тўлғонмоқдадир!  
Қандай соз, самовий ҳисларга тўлган  
Тагин бир ноёб қалб уйғонмоқдадир!

## ТОР ДОИРАЛАР

*Дўстим Актамга*

Актам археолог ташландиқ ғордан  
Топди боболарнинг асл ханжарин:  
Занг тиги емирган ноёб қуролдан  
Ўқигандек бўлди мозий жангларин.  
Тупроқ уюмига чўк тушиб ҳоргин —  
У бирда пичирлаб, бирда куларди...  
Шу тобда ўз сўнгсиз ҳаяжонларин  
О, фақат шеър ила айтса бўларди!

..Худди шу маҳалда ўспириш шоир  
Китоблар қалашган тор ҳужрасида  
Шиддаткор боболар ҳарбига доир  
Жўшиб битар эди сўнг бир қасида.  
Шоирнинг оташнок мисралари шаън,  
Ажиб ташбиҳларга тўлиб-тошганди.  
Лекин яроғларни ўрганмай терак,  
Жанглар тасвирида у адашганди..

Иккиси ҳам мамнун ёрти ҳаётдан,  
Бир юлдуз остида ёнма-ён яшар.  
Ҳайронман, ягона истакда ёнган  
Бу уйғун юраклар қачон учрашар?

\* \* \*

Қиндан сугурилган қиличдек бир зум  
Зим-зиё фалакда ялтирар чақин.  
Ортидан дилларга солгувчи ваҳм  
Қалдироқ зарбидан сесканар замин!

Гоҳ денгиз эркаси — тийиқсиз тўфон  
Ташланар... балиқчи қайиқларига:  
Қўл келса барчасин беному нишон  
Чўқтирмоқ истар у денгиз қаърига!..

Йўқ! Улар бўлмасин қанчалар қўрқинч,  
Сира сололмаслар қалбимга даҳшат!  
Майин оғушига олса ҳамки тинч —  
Қуюқ туманликни севмайман фақат...

### МАЪСУМА

Йўлкаларда гувлар изғирин,  
Ойнага оқ учқунлар инар.  
Тақинчоқлар ҳақида қизгин  
Баҳслашар ҳамхона қизлар.

Фақат... фақат ётоқхонага  
Боягина кўчиб келган қиз  
Манглайини тираб ойнага,  
Ташқарига термилар унсиз;

Изғиринда миллион зар янглиғ  
Ялтираркан қор учқунлари,  
Кўз ўнгига келарди тиниқ  
Ҳарбийдаги ўсмир суврати...

Ҳамхоналар бўлса то ҳануз  
Унинг афиф ўйларин бўлиб,  
Бидирлашар, шўх йигитлару  
Ресторанлар ҳақида жўшиб!

Бидирлашар... Гўё изғирин  
Қизгинани қучар дафъатан.  
Ҳазингина ташлаб кўз қирин,  
Юз ўгирар ҳамхоналардан!..

У нафратдан титраган кўйи  
Субҳидамни кутди бетоқат;  
Ингранишди еллар тун бўйи  
Унинг зада дилига монанд.

Ел кучаяр. Қизганч даврада  
Қиз ўзини сезаркан гариб,  
Қор забтига олган саҳарда  
Чиқиб кетди ҳужра ахтариб.

## ДАРВОЗА ОРТИДАГИ БОЛА

Мухлислар вужудин  
Чулгайди ҳузун,  
Қулоқни тешгудек  
Ҳуштаклар саси.  
Учинчи тўпни ҳам  
Киритдилар жўн  
Рақиб команданинг  
Ҳужумчилари..

Ана, майдон ёққа  
Талпинар бесар  
Дарвоза ортида  
Турган боламай.  
Агар... агар унга  
Қўйиб берсалар,  
Ҳозироқ ҳужумга  
Ташланмоққа шай!

Дарвоза тўрига  
Урилган ҳар тўп  
Ўқ бўлиб қадалар  
Шаффоф қалбига.  
Суюк командасин  
Кўраркан мағлуб,

Маржонлар тизилар  
Киприкларига!..  
Кўзларимга солар  
Умидбахш учқун  
Дарвоза ортидан  
Интилган бола:  
У қанот ёзаркан,  
Рақиблар учун  
Доим очиқ қолмас  
Бизнинг дарвоза.

\* \* \*

«Эшиклар ёпилади. Кейинги бекат...»  
Энди бунинг фарқи бормикин менга?  
Еруғ бекатларда энди бирор вақт  
Ахир дуч келмасман, азизим, сенга!  
Тамом!.. Орамизни очиб бир йўла  
Қарсиллаб ёпилар темир эшиклар,  
Тоабад ўзгармас манзилин кўзлаб  
Говурли вагон ҳам ўрнидан жилар.  
Жоним, суянганча мармар устунга,  
Сен ҳамон бесадо турасан тўниб.  
Вужудим чулганар залварли мунгга,  
Наҳот толеимдан қолдим айрилиб?!  
Бизни ёт айлаган бебурд ғийбатлар  
Қуюндек чарх урар ўй-хаёлимда,—  
Э, стар! Дуч келган бекатга ҳатлаб,  
Қўшилиб кетаман шошқин оқимга..  
Қўшилиб кетаман.. Оқиш булутлар  
Майин сузиб юрар фалак саҳнида,  
Йўлка чекидаги гуж мажнун тутлар  
Зангор куй таратар теварагимда.—  
Нетайким, яшнаган япроғу гуллар



Видо тиғи бўлиб ботар бағримга;  
Ахир... агар гоят ўхшашдир булар  
У ёруг бекатда қолган бахтимга!

\* \* \*

Чўққилар ортига кун қўяр қадам,—  
Сўнги нурларида уфқ оловланар.  
Нурафшон келармин янги субҳидам,  
Кечки пайт шафақ ол товланса агар...

Титраб лаб жуфтларман видо унига  
Кунботар ёқлардан узмай нигоҳим.  
Оламнинг муқаддас шул қонунига  
Афеус, ишқ тақдири бўйсунмас, моҳим!

\* \* \*

Майин кўклам кечасида  
Қизғалдоқзор оралаб,  
Шивирлашар икки соя —  
Сирлашади икки қалб.  
Юксаклардан сочади нур  
Юлдузлару шаън қамар.  
Кезишади улар масрур,  
Йироқдадир булутлар..  
Гўё бу кеч мулки замин  
Иккисига тортиқдир.  
Дунё қанча кенг бўлмасин,  
Учинчи қалб ортиқдир.

Майин кўклам кечасида  
Қизғалдоқзор оралаб,  
Шивирлашар икки соя —

Сирлашади икки қалб.  
Ҳей, баҳорнинг қув еллари,  
Сукут сақланг тонг қадар;  
Кўп нозикдир қир гуллари,  
Қўзғолмасин булутлар..  
Бу ойдин кеч бир сокинлик  
Бахш айлагин, табиат!  
Шул қизгалдоқ япроғидек  
Нозик эрур муҳаббат.

\* \* \*

Ўша салқин куз оқшомин  
Эслайсанми, фариштам?  
Еллар узиб тут япрогин  
Тўқир эди зар гилам.—  
Учар экан танасидан  
Сўнгги олтин япроқлар,  
Шум изғирин ҳамласидан  
Зорланарди бутуқлар..  
Теграмизда кезса ҳамки  
Келаётган қиш саси,  
У пайт дилга ҳоким эди  
Дилбар кўклам нафаси!

Ўшал хилват бог четида  
Бу тун танҳо турарман.  
Юзлаб шудринг томчисида  
Сенинг аксинг кўрарман.  
Ошпоқ гуллар кўрпасига  
Бурканган ҳув ўрикзор  
Ойнинг кумуш шуъласида  
Чайқалар тинч, беозор..  
Аммо баҳор бор эҳсонин  
Бошим узра сочса ҳам,

**У оқшомнинг бирор онин  
Қайтаролмас, ғариштам!**

\* \* \*

Тушлардан сен паноҳ излама, жоним,  
Сахарлаб чўққига чиқиб кетайлик.  
Юр, фалак сайрига кетмасдан олдин —  
Қуёш маскашига бориб етайлик.  
Юргил, бошимиздан қуёш зар сочар,  
Ахир, у ҳақни ҳеч ноҳақ демайди...  
Сепги ҳам ноҳақлик саналса агар,  
Ул бизни юксакда ёндирсин, майли!

\* \* \*

Яна бўм-бўш мизғир почта қутиси,  
Кимсасиз йўлакда ивирсир шамол.  
Музлаган деразанг пардасин тўсиб,  
Сен хатлар битарсан ҳозир эҳтимол.  
Мана, қорлар тушар кўкдан эланиб,—  
Аввал майда-майда, кейин йирикроқ...  
Қорлар хаёлимда юз шаклланиб,  
Саноқсиз хатларга айланад ногоҳ,  
О, хатлар!  
Шодлигим кўзимга қалқир!  
Кўкка қўл чўзамади нитиқ гўдакдай.  
Кутгандим... Уларни кутгандим ахир  
Кўкдам томчиларин кутган чечакдай!  
Билсайдинг, ёлғизим, сенинг хатларинг  
Мени самоларга учиражагин!  
Юрагимда қотган ҳижрон дардларин  
Эриган музлардай кўчиражагин.  
Майли, хатларингда таъналар қилгин,  
Майли, нозлар қилгин малакларга хос.

Лоқайд бўлсам, майли, зардалар қилгин,  
Фақат кутдирмагил — ёз, азизим, ёз!  
Билайин, шу қорли тоғлар ортида  
Борлиқни унутган бир маъсума қиз  
Тунлар оқ қоғозни босиб бағрига,  
Ёлғиз мен ҳақимда ўйлар уйқусиз.

\* \* \*

Мен эшик қоқаман...  
Аччиқ изғирин  
Чинорлар баргини тўкар йўлкага.  
Тинглаб аёзларнинг сийқа шивирин  
Дилдираб тураман азиз йўлакда.  
Сен эса... сен эса малак сингари  
Берк эшик ортига оҳиста келиб,  
Сезяпман, ҳар галда бўлгани каби  
Турасан тутқичга беун термилиб.

Мен эшик қоқаман...  
Ахир келмадим —  
Беҳуда йигирма йиллик йўл юриб;  
Бордир сенга айтар ёниқ сўзларим,  
Пайтида айтмогим керак улгуриб.  
Бир дафъа унутиб фироқ-нозларни,  
Азиз эшигингни очгин, ёлғизим!  
Ишонгин! Мен сенга айтар сўзларни  
Ҳали олам аро айтмаган ҳеч ким...

# ФАРИДА БЎТАЕВА

---

## *Қирқ кокиллигим*



Фарида Бўтаева 1956 йил  
Қўқонда тугилган. Қўқон  
Давлат Педагогика  
институтини битирган. Айни  
пайтда Ўзбекистон  
Ёзувчилар союзи Фарғона  
области бўлимида  
ишламоқда.

## МУНДАРИЖА

Она қўшиғи . . . . .	55
Мен оқяпман . . . . .	55
Кўрганман . . . . .	56
Соғинч . . . . .	57
Дейдиларки . . . . .	58
Умр ўтмоқда . . . . .	58
Чўққи . . . . .	59
Она бўлиб . . . . .	59
Отам вафот қилган кун . . . . .	60
«Сир сақламоқ шунча қийинми...» . . . . .	61
«Наҳотки...» . . . . .	61
«Тўлиб кетди қалбим...» . . . . .	61
«Сени соғинмоқ...» . . . . .	62
«Ўзим келсам қошингизга...» . . . . .	62
Сочларингиз . . . . .	63
«Хаёлимда оқ ойдин кечалар...» . . . . .	63
«Сен юборган булутлар...» . . . . .	64

## **ОНА ҚҰШИҒИ**

Ўғлим, кўзларингда ёш кўрмай сира,  
Сенга ярашади кулмоқлик фақат.  
Сенинг тушингга ҳам кирмагай уруш,  
Сенинг тушунчангга сиғмагай уруш.  
Мурғак юракчангга солурман фақат  
Бир дуркун қўшиқ,  
Бу қўшиқни иккимиз айтурмиз албат.

Қизим, кўзларингда ёш кўрмай сира,  
Сенга ярашади табассум фақат.  
Фақат алла айтмоқ қўғирчоғингга,  
Кўйлақлар тикурмиз овунчоғингга.  
Мурғак юрагингга солурман фақат  
Бир оташ қўшиқ,  
Бу қўшиқни иккимиз айтурмиз албат.

Элим, кўзларингда ёш кўрмай сира,  
Ўғил-қиз ўстиряпман сенга муносиб.  
Бошгинангни асло элмагай улар,  
Ватанни ўзгага бермагай улар.  
Осуда қўшиқлар айтурмиз тошиб,  
Бир мунис қўшиқ,  
Бу қўшиқни ҳаммамиз айтурмиз албат.

## **МЕН ОҚЯПМАН**

Мен ҳаётнинг анҳорида  
Беҳи каби оқяпман,  
Гоҳ кўриниб, гоҳ яширин,  
Қалқиб-қалқиб оқяпман.

Олтин каби бир беҳиман.  
Анбар бўйлар таратиб,  
Гоҳо шодон, гоҳо маъюс,  
Жимиб-жимиб оқяпман.  
Интилганим ўзинг денгиз,  
Ўзинг халқим — уммоним,  
Ўзни асраб, минг авайлаб,  
Шошар сенга ҳар оним.  
Ва бу мушкул, нотинч йўлда  
Гоҳ туртиниб, сурилиб,  
Адолатли тўлқин бирлап  
Тўлиб-тўлиб оқяпман.  
Мана, кўргин, ўзим бирлап  
Сўлим сой ола келдим,  
Эргашадир менга майса,  
Қоқи гуллар, ялпизлар.  
Сенга салом йўлладилар  
Олиедаги қушчалар,  
Сенга уммон, олам-олам  
Қўшиқ олиб келяпман.  
Бир қўлимда қалам, бирда  
Бешик олиб келяпман.

## КЎРГАНМАН

Кўрганман шундайин одамни:  
Бирор ким сидқидилдан кулса,  
қувонса яйраб,  
Ё ёниб куйласа даврада,  
Ўтли шеърлар ёзса ё  
ўқиса тўлиб,  
У қошин чимириб турганин  
Кўрганман шундайин одамни:  
Бирор ким бахтидан сўйласа,



Е ўзгалар дардида,  
яшаса куйиниб.  
Е китоб ўқибон йигласа,  
Лабларин у буриб турганин.  
Кўрганман шундайин одамни:  
Тўйларга мотамга келгандек,  
Мотамда-чи, ким қагдай  
йиглашин, куйишин  
Томоша қилганин атайин,—  
Бир четда жилмайиб турганин  
Кўп қизиқ, во ажаб негадир,  
Эслатар у менга ҳар доим,  
Гулламоқ бахтидан бенасиб  
Баҳорда қуриган дарахтни.

## СОҒИНЧ

Баҳор, сени соғиндим, хаёлларим сен ўзинг,  
Тушларимда кўра-кўра, кутганларим сен ўзинг.  
Тонгда туриб изларингни излаганим сен ўзинг,  
Баҳоргинам, кела қолгин, дилдан армонлар кетгай,  
Бағримга сен кира қолгин, ҳижрон достони битгай.

Ушбу олам ғарибдир боғу чаманларингсиз,  
Юраклар ҳам ўт эмас, дола-гулханларингсиз,  
Билаклар-чи, билак эмас, дала-дастурхонингсиз,  
Баҳоргинам, кела қолгин, дилдан армонлар кетгай,  
Бағримга сен кира қолгин, ҳижрон достони битгай.

Сен ошиқни энтиктириб, жонни ўтда ёқгувчи,  
Сен бокира маъшуқанинг юзидаги кулгичи,  
Сен меҳрсан, сеҳр сен, дилни дилга боғловчи,  
Баҳоргинам, кела қолгин, дилдан армонлар кетгай,  
Бағримга сен кира қолгин, ҳижрон достони битгай.

Гуллар, сизни соғиндим, юзимга ранг олгани,  
Соғиндим-эй, майсалар, бағрингизда қолгани,  
Бетакрор гўзалликлар сизни қалбга солгани,  
Баҳоргинам, кела қолгин, дилдан армонлар кетгай,  
Бағримга сен қира қолгин, ҳижрон достони битгай.

Ўзинг билан олам-олам қувончларни олиб кел,  
Ҳар юракка яшаш ишқин, меҳнат завқин солиб кел,  
Сен муҳаббат рамзи бўлиб, то умрбод қолиб кел,  
Баҳоргинам, кела қолгин, дилдан армонлар кетгай,  
Бағримга сен қира қолгин, ҳижрон достони битгай.

### ДЕЙДИЛАРКИ...

Дейдиларки, баҳор бошланар,  
Жилгаларнинг шўх кулгусидан,  
Бойчечакнинг табассумио  
Куртакларнинг тугилгусидан.  
Дейдиларки, келади баҳор  
Тоглар ошиб, адирлар ошиб,  
Ялпизларнинг бўйлари билан,  
Шаббоданинг куйлари билан,  
Анҳорларнинг суви-ла тошиб,  
Дейдиларки... Йўқ, ундай эмас,  
Бу сўзларнинг бариси бекор,  
Ишққа ташна, яшилликка ўч  
Юрагимдан бошланар баҳор.

### УМР ЎТМОҚДА

Кунлар бизни тарк этмоқда,  
кетмоқда бир-бир,  
Куррамиз-чи, тиним билмай  
айланар гир-гир,

Нималарга улгурдик биз,  
                  нима ҳали сир?  
Бу дунёда буюк ишлар  
                  қилмоғим шартми?  
Муқаддасдир бу дунёда  
                  фақат одамзод,  
Менинг учун ҳар бир фарзанд —  
                  буюк кашфиёт,  
Ўтаётган кунларимдан  
                  розиман-рози,  
Келаётган кунларимда  
                  ҳаққим кўп ҳали.

### Ч Ў Қ Қ И

Чўққи — ер-кўк бирлашган олам;  
Кузатмоқ хуш яқин-йироқни.  
Юлдузларга қўл чўзиб одам,  
Тавоф айлар она тупроқни..

### ОНА БЎЛИБ..

Она бўлиб ўзим ҳам  
                  Ўйлаб қолдим онамни,  
Куйламоққа дил ташна,  
                  Қўлга олдим қаламни,  
Қизалоғим қувнаса,  
                  Она, сизни ўйлайман,  
Ором бермай қийнаса,  
                  Она, сизни ўйлайман.  
Кечалари беором,  
                  Алла айтсам тўлғониб,  
Тебратиб бешигини,  
                  Она, сизни ўйлайман,

Бир боланинг азоби,  
Шунча бўлурми, ҳай-ҳай,  
Еттимизга, онажон,  
Бардош бердингиз қандай?  
Мана, бедор тунингиз,  
Бошдан ўтмоқда бир-бир,  
Ўтли, қайноқ кунингиз,  
Бошдан ўтмоқда бир-бир,  
Ўтирибман хаёл суриб,  
Кўкда юлдузлар бисёр,  
Ўша бебош болалик ҳам  
Кўздан ўтмоқда бир-бир,  
Мен биламан шу тобда,  
Мен ҳақимда ўйлайсиз,  
Қийнадими қизалоғи  
Деб, отамга сўйлайсиз,  
Онажоним, толейми,  
Насиб бўлмиш менга ҳам,  
Бу азоблар ширин азоб,  
Гаштли бўлмиш менга ҳам.  
Бу шундайин бахт эканки,  
Энтиктирган онани,  
Табиатнинг ёрлиғи бу —  
Севинтирган онани.  
Она бўлиб ўзим ҳам  
Бахтдан тўлиб боряпман,  
Кундан-кун қадрингизга,  
Она, етиб боряпман.

## ОТАМ ВАФОТ ҚИЛГАН КУН

Дардларимни дон қилиб сепдим тупроққа  
Қушлар териб еди-ю, тил тортмай ўлди,  
Дардларимни дарахтнинг шохига илдим,  
Кўтаролмай бечора етти букилди.

Дардларимни орқалаб чиқдим тоғларга,  
Харсанг тошлар бир зумда дув-дув тўкилди.  
Дардларим-ла сахрога кетдим чидамай,  
Тутаб турган сахролар ёндию кетди..

\* \* \*

Сир сақламоқ шунча қийинми,  
Нега айтдинг ошиқлигимни?  
Билардинг-ку, саболарнинг сен  
Гуллар билан шивирлашинин.  
У гулларни билардинг-ку сен  
Булбулжонга айтиб қўйишинин,  
Булбулжон-чи, сайроқи қушча,  
Билардинг-ку, асир этишинин,  
Сайраганда ҳар қандай юрак  
Тўхтаб аста қулоқ тутишин  
Нега мени айлаб қўйдинг фощ,  
Нега айтдинг ошиқлигимни?

\* \* \*

Наҳотки шунчалар азобдир ҳижрон,  
Муҳаббатсиз — юраксиз яшарми инсон?  
Сен ҳаётим маъноси, томирдаги қон.  
Сен ҳам меннингдек ўзни қийнайсанми ҳеч?  
Ўз қалбингни ўзинг тинглайсанми ҳеч?

\* \* \*

Тўлиб кетди қалбим. Исмсиз дардлар  
Сўзлайин бир оз.  
Аммо ким тинглайди? Наҳотки яна  
Қалам ва қоғоз?

\* \* \*

Сени соғинмоқ мумкин эмасдир  
Ва лекин соғиняпман,  
шундай соғиняпманки...  
Сени севмоқ мумкин эмасдир  
Ва лекин севиб қолдим,  
шундай севяпманки...  
Охиридан қўрқаяпман.

\* \* \*

Ўзим келсам қошингизга  
Айб этманг мени,  
Беун қолди уйда ақл —  
Лол ва ноилож.  
Энтиктириб бу йўлларга  
Бошлаган юрак,  
Гапга кирмай оёқларим  
Шошди сиз томон.  
Мен ўзимча бир қадам ҳам  
Ташлаганим йўқ,  
Бир жуфт садарайҳон узди,  
Бабони қўлларим  
Сизга тутар деб, сира ҳам ўйлаганим йўқ,  
Журъат бугун шамол бўлди,  
Елдирди мени.  
Қушлар менга ўргатдилар  
Йўлда қўшиқлар  
Куйлагин, деб ёргинангга  
Дилни сув қилар,  
Сиз эшитган бу қўшиқни  
Куйлаганим йўқ,

Ўзим келсам қошингизга,  
Айб этманг мени.  
Мени шулар йўлдан «урди»  
Менда айб йўқ.

## СОЧЛАРИНГИЗ

Сиз ўшасиз, ўша-ўша нигоҳларингиз,  
Ендирмоқни кўзлар ҳамон чўгли қароқлар.  
Йиллар ўтди, лекин бир бор йўқламадингиз,  
Хаёлларим хотирамдан сизни сўроқлар.

Шукур, мана кўришмоқ ҳам бўларкан nasib,  
Сочингизга эрта қиров қўнибди, ажаб.  
Менга оғир, сизга ҳам ҳеч бўлмабди осон,  
Демак, ҳамон ўша дард-ла юрибсиз яшаб.

Сочларингиз — мени қўмсаб оттирган тонглар,  
Сочларингиз — мен айлаган тавофларимдир.  
Сочларингиз — ёзолмаган мактубларингиз,  
Сочларингиз — мен битмаган жавобларимдир.

\* \* \*

Хаёлимда оқ, ойдин кечалар,  
Хаёлингда қоп-қора тунлар,  
Бу бизнинг тундаги ўйимиз.  
Хаёлимда ливанлик болалар  
Хаёлингда алланима балолар  
Бу бизнинг кундаги ўйимиз.  
Сен рашк қиласан тинмайин,  
Мен тинмай тизаман мисралар  
Бу бизнинг азалий кўйимиз.

\* \* \*

Сен юборган булутлар  
Оппоқ ва момик  
Кошкийди қора бўлса.

Сен юборган булутлар  
Юрагимга кирмоқда сузиб  
Кошкийди ўтиб кетса.

Сен юборган булутлар  
Емғирсиз. Карахт...  
Кошкийди йиғлай олсам...



# АБДУЛҲАМИД МУҲАММАДИЕВ

---

## *Муҳаббат кечалари*



Абдуҳамид Муҳаммадиев  
1954 йилда туғилган.  
Муқимий номидаги Қўқон  
Давлат педагогика  
институтининг чет тили  
факультетида таҳсил кўрди.  
Ҳозир шаҳар «Меҳнат  
байроғи» газета редакциясида  
хизмат қилади.

## МУНДАРИЖА

Япроқлар яшиллиги . . . . .	67
«Олис йўллар...» . . . . .	67
«Тўлқин узра...» . . . . .	68
1917 йил . . . . .	68
«Қаро шом, хонамда меп янқа...» . . . . .	69
«Хўп майли, кета қол...» . . . . .	70
«Мен дардимни...» . . . . .	71
Зангори хаёллар . . . . .	71
Туғилиш . . . . .	72
«Хонамга сизмайин бу кеча...» . . . . .	73
«Бир нафармон чечаклар...» . . . . .	74
«Хотирамнинг тошқинлари...» . . . . .	75
Қизғалдоқ . . . . .	76
Ғунча ҳақида қўшиқ . . . . .	76
Кўзлар . . . . .	77
«Бугун мени қуёшнинг нурлари...» . . . . .	78
Аёз эртаги . . . . .	79
Кеча . . . . .	80
Умр . . . . .	80

## ЯПРОҚЛАР ЯШИЛЛИГИ

Менинг соз туйғуларим, келгаңингиз рост бўлсин,  
Унутилсин кутганим, соғинганим интизор.  
Қалбимни макон тутган ғамгин наволар ўлсин,  
Тугилсин муҳаббатим ихтиро этган баҳор —  
япроқлар яшиллиги...

Бу қадим боғлар узра қуюлсин-да ёмғирлар,  
Бу ёмғирлар кўксидан ювилсин-да кудурат,  
Ғуборсиз само янглиғ очилсин яна сирлар,  
Нингоҳимни забт этсин сир-сехрли бу суврат —  
япроқлар яшиллиги...

Силсила карвон бўлиб учаётган мезонлар  
Уйқуларга чўмсин-да, мудроқ инқим уйғонсин.  
Силсила карвон бўлиб ўтаётган бу онлар  
Этагига чирмашган ҳаётимга чўлғонсин  
япроқлар яшиллиги...

Сарғашта бу хаёлот бир кун келур, олур тин,  
Сарғашта бу коинот топмасин ҳаргиз завол.  
Бу кўҳна жаҳон узра ким ҳам бўлибдур устун,  
Кетсам-да, менинг бирла кетажақ на хуш хаёл —  
япроқлар яшиллиги...

\* \* \*

Олис йўллар бу кеча олиб кетди олисга,  
Олис йиллар этагин тутиб келди бир хаёл.  
Олисларга термилиб ёр кутгани маҳали  
Еллар сочин тарарди сўрагандек бўлиб ҳол.

Энди ўша тимқора сочлар қордек оқармиш,  
У нурли кечаларнинг ойдинидан ойдинроқ.  
Йиллар ортидан ёшлик ширин тушдек боқармиш,  
Умр нурдек ўтибди — исенз эмасдир бироқ.

Энди қизи нигорон термилади олисга,  
Аллакимни кутганча энтикади у беҳол.  
Бир вақтлар онасини эркалагани каби,  
Еллар сочин тарайди сўрагандек бўлиб ҳол...

\* \* \*

*Ҳамза Ҳакимзода хотирасига*

Тўлқин узра қалқиб-қалқиб оқиб келади қўшиқ,  
Бу — ўйларим, сени эслаб бошлаб келмоқда сурон.  
Наҳот, ёнар гулханларда кураш аталмиш бу ишқ,  
Кўзларимга тутун бўлиб сингиб кетар оломон.

Тўлқин узра қалқиб-қалқиб оқиб келади қўшиқ,  
Кўзларимга тутун бўлиб сингиб кетар оломон,  
Гулханларда ёниб-ёниб қалқиб чиқар яна ишқ  
Ва келади кўтарилиб янги оташ-галаён:

— Ишчилар уйгон,  
    уйгон,  
    уйгон!..

1917 ЙИЛ

Алдаманг, оҳанглар, наволар, имламанг,  
Жафокаш торимни пайтидир синдирмоқ.  
Саболар, бу мутриб қайда деб изламанг,  
Қийиндир навоши қалбимга сирдирмоқ.

Йўл беринг, бу фурсат бахтимни синайин,  
Яшамоқ турганда, негадир бу сиртмоқ,  
Майлига, бу йўлда наводек синайин  
Ва ёки керакдир навони синдирмоқ.

Ғарқ бўлгим келар-у сувларга, ҳей денгиз,  
Тўлқиннинг бир ажиб бағрида қолгайман.  
Ташнаман, қалбимга тўфонлар бер тенгсиз,  
Майлига, тўфонлар бағрида толгайман...

Ҳур саҳар, шафақлар ёнади — нурлар ол,  
Мен яна ўт янглиг шеър ёзай шитоб.  
Замона, бер менга фархунда бир иқбол,  
Замона, бер менга ИНҚИЛОБ!..

\* \* \*

Қаро шом. Хонамда мен якка —  
Ғамлардан яширин.  
Ўйлайман — йилларим ўтмакда,  
Йилларки, бир ширин...

Эслайман, ёдимга келади,  
Оловранг дудоқлар.  
Бир сархуш саболар елади,  
Сўнади чироқлар.

Боғларнинг қўйнига тўкилур  
Бир сокин ойдинлик.  
Бир сулув келинчак ўкинар,  
Қисматга боқиб тик.

Ой яна ойдинлик тўшайди,  
Боғларга чўкар нур.  
Келинчак кимгадир ўхшайди,  
Хаёллар доғланур...

Қаро шом. Хонамда мен якка —  
Унда-чи, яширин  
Келарлар боғларни кесмакка,  
Боғларки, бир ширин...

Боғларга текизманг сиз нафас,  
Бу — менинг боғларим.  
Доғларни ювмангиз, керакмас,  
Бу — менинг доғларим...

\* \* \*

Хўп, майли, кета қол, кета қол,  
Биз бунда бир илож қилармиз.  
Сенсиз-ку яшамоқ кўп маҳол,  
Кулармиз ва ёки йиглармиз,  
Ёдинг-ла ўтармиз.

Хўп майли, кета қол, кета қол,  
...Бир гулдек сўлувдинг, бир гулдек.  
Лабларинг юрагим каби ол,  
Ўлгундек севардим, ўлгундек —  
тақдир-да, нетармиз...

Тақдирга йўқ имкон, йўқ имкон,  
Юракни эзгилар бир оғриқ.  
Умримни бир сидра эт талон,  
Жонимни аямай эт тортиқ —  
тигларга, эй, юлдуз.

Алқисса, келади бир замон,  
Жисмимни тўзгитар бўронлар.  
Қошингга борурман мен омон,  
Дунёдан сен кетган бу онлар  
ёдинг-ла кетармиз...

Мен дардимни очиқ-ойдин тўкиб солгайман,  
 Қўшиқларни, ахир, унсиз куйламоқ нечун.  
 Замин недир, юлдузларни асир олгайман,  
 Қўшиқ бўлгач, кўрсатсин-да қўшиқлик кучини.

Баҳру уммон бўронларга аслида чанқоқ,  
 Шундоқ бўлгач, керакмикан ортиқ тасалли.  
 Қўшиқ бўлиб яшамоқни керак англамоқ,  
 Куйланмаган қўшиқларнинг иқболи ҳаққи...

## ЗАНГОРИ ХАЁЛЛАР

Бор эканми бошгинамда ложарам савдо,  
 Қоламанми оташ ҳислар қўйнида энди?  
 Унутилган боғлар яна солди-ю ғавғо,  
 Менинг эса тўйиб-тўйиб йиғлагим келди.

Қалдиргочлар қўйгил, дея келишди хушқол,  
 Қўй, қайгурма. Излаганинг топилар ҳали.  
 Йўқ! Керакмас баҳор келди, кечмишим, хуш қол,  
 Эҳтирослар ёмғирдайин ёғмоқ маҳали.

Бир хўрсиниб уйғонади маъсума куртак,  
 Ёмғир урар, дарёларнинг юзи тирналар.  
 Дунё оҳанг қўйнидаги феруза эртак,  
 Юрагимга кўчиб келар мовий турналар..

Бор эканми бошгинамда ложарам савдо,  
 Қоламанми оташ ҳислар қўйнида энди?  
 Унутилган боғлар яна солди-ю ғавғо,  
 Менинг эса тўйиб-тўйиб йиғлагим келди.

## ТУҒИЛИШ

### I

Боқаман:

Қоронғу осмоннинг бағридан  
Узилиб тушади юлдуз —  
Тўлғона, тўлғона..  
Йилларнинг бағридан  
Бешафқат кетади узилиб  
Баҳор —  
Тўлғона, тўлғона..  
Қўрқувдан,  
Даҳшатдан  
Бешафқат кетади узилиб  
Умид...

### II

Бир замон

Қоронғу осмоннинг бағрида  
Туғилар юлдуз,  
Йилларнинг бағрида  
Туғилар баҳор..  
Дилгир юракнинг бағрида  
Туғилар севинч  
Тўлғона, тўлғона..

Бағримни титкилаб кўраман —

Тўлғона, тўлғона..  
Туғилмас умид.  
Уйларим тортади қоронғу..  
Дарёга бораман,  
Сўрайман —  
Тўлқинлар кетади олислаб..  
Денгизга бораман,



Сўрайман --  
Тўлқинлар кетади олислаб...  
Шамолга бораман,  
Сўрайман —  
Шамоллар кетади олислаб  
Тўлғона тўлғона...

### III

Бир замон  
Тўлғониб келарман,  
Тўлғониб кетарман  
Ва лекин ҳар сафар  
Юлдуз-ла келарман,  
Баҳор-ла келарман,  
Умид-ла келарман  
Дунёга!..

\* \* \*

Хонамга сигмайин бу кеча,  
Отилибман ташқарига ногаҳон  
Ва саргардон кезибман олис-олис,  
Сархуш ўйлар,  
Оғир ўйлар  
Ва чароғон осмон остида.

Юлдузнинг қўшиғини тинглабман,  
Қўшиқданми ё берилиб хаёлга,  
Мен сармаст  
Гулларни оралаб кетибман,  
Билмайин,

Гуллар гўзалдир, гуллар ажойиб,  
Нимасини айтасиз!  
Мен девона ўзлгимни унутиб  
Қилибман хитоб:

Гуллар! Ҳей.. Бу кеча сақламанг одоб —  
Ўйнайлик,  
Кулайлик,  
Тонайлик дунёнинг ташвишларидан...

Ва ўйнаб кетибмиз —  
Эрк берибмиз шаддод ҳисларга  
Шу алфоз билмай ҳам қолибмиз тонгинг  
отганин.

Ногаҳон ўзимга келибман,  
Ўзимга келибман ногаҳон,  
Санчилганмиш кўксимга тикан.  
Мен ҳайрон,  
Мен ҳайрон,  
Тиканларни териб ташладим  
Ва шул замон  
Юрагимдан қонлар оқди тирқираб,  
Оёгим остида гуллар пайҳонмиш.

\* \* \*

Бир нафармон чечаклар очилажак бу замон,  
Тақдирнинг кўчасинда қолганимда саргардон,  
Бу паришон руҳимга зуғум қилганда ҳижрон,  
Едимга келар бўлди тундан-да қаро кўзлар  
Ва бағримнинг кўкидан юдуз узилар кезлар  
Сени ўйладим.

Ўйларим қаҳ-қаҳ уриб устимдан кулганида,  
Боғлардан кўклам кетиб, паймона тўлганида,  
Тулар карвон бўлиб кетмакчи бўлганида,  
Едимга келар бўлди тундан-да қаро кўзлар  
Ва хазонрез боғларини мудроқ чулгаган кезлар  
Сени ўйладим.

Сўзларим сароб янглиғ шамолларга учганда,  
Хотиралар қиз бўлиб хаёлимни қучганда,  
Бағримдаги галаён қўшигимга кўчганда,  
Ёдимга келар бўлди тундан-да қаро кўзлар,  
Ва ишқ озори ичра юрагим тўлар кезлар,  
Сени куйладим...

\* \* \*

Хотирамнинг тошқинлари тошмоқда — кўргин,  
Бу саргардон тўлқинларга чўкайлик, юргин.

Ва очилсин нигоҳларда фархунда диёр,  
Минг бир кеча ойдинида бўлай гуноҳкор.

Мени шунда сарбозларинг тутиб олишсин  
Ва бу шаккок қўлларимга кишан солишсин.

Келтиришсин оёқларинг остига шу зум,  
Нигоҳларинг шафқатига зор бўлиб ўзим.

Ғазабларинг кўтарилиб келганда ғоят,  
Мен осийни севиб қолсанг маликам, шояд.

Ва бўсадан юракларим яраланган пайт,  
Мени кечир... Фақат... Фақат гуноҳимдан қайт.

Ва занжирбанд қўлларимни қўлингга олгин  
Ва зулфингдан юрагимга занжирлар солгин.

Сўнгра сенга бу гуноҳкор қалбим очайин  
Ва хўи десанг, сени бундан олиб қочайин.

Ва очилсин нигоҳларда фархунда диёр,  
Минг бир кеча ойдинида бўлай гуноҳкор...

## ҚИЗГАЛДОҚ

Излаганим удир, кутганим ҳам у,  
Чиқди йўлларига нигоҳим маҳтал.  
Кетган сониялар билан келди-ку,  
Жонон қизгалдоғим юз очар маҳал.

Эриниб уйғонди сирли узоқлар,  
Ҳаволарни тутди огочлар ҳиди.  
Соғинчли долғалар қўзғолган чоғлар  
Унга атаганим муҳаббат эди.

Ул-чи, муҳаббатим самода, дея,  
Оловга эланди, ўтга эланди.  
Кўзига қон тўлган қуёшни суя,  
Дудоқлари қонга беланди...

## ҒУНЧА ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Бир пайтлар —  
Умримнинг кечмиш соҳилларида  
Сени қизганардим:  
Бегона ўйлардан,  
Бегона кўзлардан,  
Орзулардан.  
Қўрқардим:—  
Шамолдан,  
Емгирдан,  
Ўзимдан...  
Фақат  
Асраб қололмадим бир фурсат.  
Сени орзулашди  
Бегона ўйлар,  
Сени орзулашди —  
бегона кўзлар.  
Сўнг,  
Шамоллар келишди,

Емгирлар қуйишди —  
Сени узиб кетишди  
бағримдан..

Шу алфоз,  
Йиллар келишди —  
Йиллар кетишди.  
Шамоллар бир сидра қайтишди  
Кезиниб.  
Емгирлар бир сидра келишди  
Қуюлиб...  
Бу дамда  
Қизганиб, қизганиб қўйишар,  
Қўрқишар,  
Сени орзулашимдан.  
Ва лекин биламан:  
Шамоллар келади,  
Емгирлар қуяди,  
Мен ҳали бир сидра келаман  
қайтиб!..

## КЎЗЛАР

*Яхши қолинг, мен кетай*  
*Усмон Носир*

Кўзлар!  
Яхши қолинг, мен кетай,  
Босиб келмай туннинг қораси.  
Қувғин этгач эгангиз, нетай,  
Дилнинг йўқдир ўзга чораси.

Кўзлар!  
Яхши қолинг, мен кетай,  
Мовий уфқ четидан нари.  
Мунгли наво чекар экан най,  
Кўнгил тўлар бўнатган сари.

Кўзлар!  
Яхши қолинг, мен кетай,  
Келар хайрлашмоқ маҳали.  
Дилни ўзга куйга соз этай,  
Олдинда бор яшамоқ ҳали...

Кўзлар!  
Яхши қолинг, мен кетай!..

\* \* \*

Бугун мени қуёшнинг нурлари  
бехосдан уйғотиб юборди..

Бошим узра шовуллаб тўкилди  
ҳазонлар.

Шу пайт бирдан  
Нурларга осилиб, кўргим келади  
Кузакнинг огушида,  
Бир ҳорғин ҳаловат ихтиёрида  
Мудраётган диёримни.

Ва бу беҳаловат руҳимни эгаллади:  
бир гўзал истак,  
бир ложувард орзу:

«Шу бепоён далаларни,  
Шу бағринг каби оппоқ пахталарни,  
Шу намхуш туманларни,  
сархуш боғларни,  
Шу ўркач-ўркач булутларни,  
Елларни, шамолларни —  
Ҳаммасини, ҳаммасини  
Ундаги қуралай кўзли ўғлонлар билан  
қуралай кўзли жононлар билан

Сени каби  
Бир йўла бағримга сиғдира олсайдим,  
Онажон!..»

## АЁЗ ЭРТАГИ

Яна аёз игна санчар паллалар,  
Яна тошдек тўниб қолади денгиз.  
Муз остида қолмиш мунис аллалар,  
Юрагимга тигдек кирингиз.

Мен ҳам талвасада қолайин, мисли —  
Сайёд камандига алданган оҳу.  
Ёдимга келмоқда чечаклар исми,  
Ёдимга келмоқда нурлар нигоҳи.

Ёдимга келмоқда оқшом маҳали,  
Ойнинг ойдини-ла чўмилар орзу.  
У балким қалбимга қайтади ҳали  
Ва ё орзудайин унутилар у.

Балким унутилар ишқнинг куйлари  
Ва насиб этмаган ойдин келинчак.  
Бугун тўкилару ёмғир сувлари,  
Эрта туғилади чечаклар бешак.

Эрта туғилади тошқинлар, нурлар  
Ва келар тўлишиб мен кутган баҳор.  
Нигоҳим қатига беркиниб улар,  
Қалдирғоч парвозин этаркан такрор.

Қалбимни қийпаркан дилрози йиғи,  
Нигоҳинг йўл узра тушаркан хомуш,  
Ва тўфон ичинда адашган туйғу  
Баҳорий ҳисларни кўрар экан туш.

Яна ёдга келар ишқнинг куйлари,  
Ёдимга келади ойдин келинчак.  
Шаррос тўкилару ёмғир сувлари,  
Шошилиб туғилар чечаклар бешак...

## КЕЧА

Сокин кеча. Хонам ичра сузиб юрар ошпоқ нур,  
Сокин осмон огушида ёниб-ўчар юлдузлар.

Бугун ўйлар оғир-оғир ташвишлардан холидир,  
Мен кимнидир излаб қолдим, кимлардир мени

излар.

ёниб-ўчар юлдузлар..

Сокин кеча. Аммо менинг руҳим эмасдур сокин,  
Сокин кеча қучоғида ёниб-ўчар юлдузлар.

Кимдир келар ва ёлборар, чертилар ойна секин,  
Ундан боқар сархуш хаёл — боқар жуфт қора

кўзлар —

ёниб-ўчган юлдузлар..

Сокин кеча. Сокингина қўшиқ куйлаб қўяр қалб,  
Сокин осмон огушида ёниб-ўчар юлдузлар.

Кимдир келар ушбу кеча кечмишини хотирлаб  
Ва қолажак хотирамнинг йўлларида ол излар.

## УМР

Умр ўтмоқдадир

Яхшими-ёмон.

Истасам-да, истамасам-да —

ўтаётган кунлар каби.

Эласам:

Бир қўшиқ оҳанги янглиғ фузун,

Бир қўшиқ оҳанги янглиғ узун

умр.

Мактаб.

Биринчи ўқитувчи,



Биринчи дўст, ўртоқ, рақиб.

Иккинчи,

учинчи...

Йигирманчи.

Сапогини эласам

элас,

элас...

Умримнинг биринчи ҳақиқати —

Отамнинг сўнги нигоҳи ёдимдан чиққан эмас

Ва яна, иккинчи

учинчи...

Йигирманчи ҳақиқат.

Эласам:

Бир салқин саҳар,

Бир ойдин кечанинг биринчи кайфи.

Айтганим — муҳаббат,

Куйлаганим — ишқ.

Бир пайтлар

Суюклим гунчадек ҳуркак эди,

Гунчадек кўркам.

У пайтлар

Меники эди у.

Энди-чи:

Бир тонгрўй хаёл ихтиёрида қолмоқ

Ва бир тонгрўй аёл орзусида ёнмоқ —

менинг насибам.

Ҳижратда ўтган

Биринчи, иккинчи,

учинчи...

Йигирманчи фасллар эса

Бир инсон умидининг хотири,

Бир инсон умрининг бахтидир.

Ўтаган йиллар —  
бу умрнинг

Биринчи,

иккинчи,

учинчи...

Йигирманчи йили...

# ОЙГУЛ

---

## *Уфқлар ёнганда*



Ойгул (Суюндиқова) 1957 йилда туғилди. 1974 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент маданий-оқартув техникумида ўқиди. Москвадаги Горький номи Адабиёт институтида таҳсил кўрди.

## МУНДАРИЖА

Ранглар . . . . .	85
«Кетаверсанг...» . . . . .	85
Эргаш Жуманбулбулга . . . . .	86
Тоғ қизлари . . . . .	86
«Ватан бўлиб...» . . . . .	87
Москва чеккаларида . . . . .	87
Мактуб . . . . .	88
«Осуда туш...» . . . . .	89
«Шу одис осмоннинг...» . . . . .	90
«Деразанинг ёнида бир қиз...» . . . . .	90
«Қирларнинг бағрига...» . . . . .	91
«Пойтахтдан бош олиб...» . . . . .	92
Шаҳарда куз . . . . .	92
Ўрмонда . . . . .	93
«Гўзал хаёл...» . . . . .	94
«Тоңготар қуёшга кўзини тикиб...» . . . . .	95
«Севилибди япроқлар бугун...» . . . . .	95
«Мартда қор ёғмоқда...» . . . . .	96
«Ярим кеча...» . . . . .	97
Эслаш . . . . .	97
«Елғиз кезинг келар...» . . . . .	98
«Кўришгунча...» . . . . .	98
«Ой ҳам ботди...» . . . . .	99
Жанубга хат . . . . .	99
«Шу тинчгина ҳаёт...» . . . . .	100
«Яна куз...» . . . . .	101
«Ёзнинг сўнги...» . . . . .	101
«Осмон...» . . . . .	101

## РАНГЛАР

1

Сокин шилдирайди сойларда қўшиқ,  
Осмонда кўринар на булут, на қуш.  
Фақат узоқларда қизарди уфқ  
Гўё уйғонгандай кўриб ширин туш.

2

Кузнинг қучоғига тўкиб соламан  
Қувонч ва алами бор дostonимни.  
Мен унинг бағрида йиғлай оламан  
Соғиниб келгандай онажонимни.

3

Шамол булутларни оғир кўчдирар,  
Осмон кўзларимнинг рангин кўчирар.  
Юлдузлар чўмилган дарё ҳар оқшом  
Уйғоқ тунларимни бир-бир кечдирар.

\* \* \*

Кетаверсанг, тугамаса йўл,  
Кўзларингга тўлмаса чанглар.  
Кимдир деса: «Менинг дўстим бўл,  
Кўпдир бизлар кўрмаган ранглар».

Кетаверсанг, тугамаса йўл,  
Чарчамаса хаёлларинг ҳам.  
Кимдир деса: «Дўстим, омон бўл,  
Учрашамиз энг ажойиб дам».

Кетаверсанг, тугамаса йўл,  
Йўл яшаса сен билан тўлиб.  
Кимдир деса: «Қўлгинангни бер...»  
Хайрлашсанг, кўришмоқ бўлиб.

## ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛГА

Она халқим тилагидан туғилдингми, булбулим,  
Наволарнинг юрагидан туғилдингми, булбулим.

Замонлардан замонларга ўтди меҳринг, булбулим.  
Бемеҳрлар юрагини тилди қаҳринг, булбулим.

Ҳамон қалблар антикканча тинглар сени,  
булбулим,  
Туйгуларинг интиҳосиз, йўқдир тини, булбулим.

Ўйларингни она юртнинг бахти олди, булбулим,  
Босиб ўтган йўлларингда қўшиқ қолди, булбулим.

Она халқим тилагидан туғилдингми, булбулим,  
Унга жуда керагиндан туғилдингми, булбулим.

## ТОҒ ҚИЗЛАРИ

Тоғ шамоли каби елиб келмоқда тоғ қизлари,  
Қуёш билан бирга-бирга кулмоқда тоғ қизлари.  
Шўх қараш-ла тоғ бағрида чақнаган чақмоқ мисол  
Юракдаги гашикларни тилмоқда тоғ қизлари.

Тоғ баҳори каби дуркун тўлишар тоғ қизлари.  
Бирам сулув, бирам мағрур бўлишар тоғ қизлари.  
Мен юрмаган сўқмоқларнинг, кўрмаган булоқларнинг  
Қўшигини, достонини билишар тоғ қизлари.

\* \* \*

Ватан бўлиб туғилдинг, она,  
Менинг учун, юрагим учун.  
Елкадошлар — йиллар тантана  
Қурар мен-ла тилагинг учун.

Умрим-ўйим дарахт мисоли  
Камол тоғди меҳрингдан яйраб.  
Она, мангу тинчлик тимсолин  
Сенга қиёс айлаб яшар қялб.

## МОСКВА ЧЕККАЛАРИДА

Уруш кўрган жойларда бўлдим,  
Тумансиз тонгларда, ойсиз тунларда.  
Кўзларимдан изга ўхшаб тўкилди  
Огир-огир ўйлар қорли тунларда.  
Гўё биринчи бор ўйинга тушди  
Ўқ еган япроқлар, тутаган тутун.  
Ешигина қалбимда хотирот жўшди —  
Урушдан кейинги энг биринчи кун...  
Эркаксиз уйлару уйгоқ кўчалар  
Кафтдаги чизикдай унсиз чўзилди.  
Булутлар чидолмай ўқдай санчилар  
Осмоннинг қўллари ерга чизилди.  
Уруш кўрган жойларда бўлдим —  
Кечмишларга тарихдир ватан.  
Ўйларимга нурли тонг тўлди —  
Уруш энди ҳеч бўлмас экан!..

## МАКТУБ

### I

Гулгун май тўкилгандек  
Қизарар олисда уфқ.  
Ҳабибим, созла рубоб,  
Дардимни олсин қўшиқ.  
Кўринмас — бундан узоқ  
Бир диёр бор — баҳаво.  
Эласам, ширин титроқ,  
Ундан бошланар дунё.  
У бир осмон — бегубор,  
Қуёш тўла сурурга.  
Кўрмадим ундай баҳор,  
Гидамлар ёзиқ қирга.  
Уша юрда шўх дилга  
Гул тутқазди муҳаббат.  
Нон ушатиб, кенг йўлга  
Йўллади тилаб омад.

### II

Мен Улуғбек юртиданман,  
Самарқанди азимдан.  
Юлдуз тўла кўзлар билан  
У яшайди қадимдан.  
Регистонни қучар сармаст  
Соғинч тўла ҳисларим.  
Дақиқалар, тўхтаг бирпас,  
Сўзламоқчи кўзларим...  
Сўниб борар сўнгги юлдуз  
Сўниб борар титроқда.  
Тушимда ҳам гул терарман  
Самарқанд деган боғдан.  
Не юлдузлар қидар орау



Шўх оқшом палласини.  
Улуғбекка мен айтсам деб  
Регистон алласини...

### III

Зарафшоннинг қиргоғида  
Бир қишлоқ бор: Гуландом.  
Баҳор унинг қучоғида,  
Ялангоёқ еллар ҳам.  
Оқ либосда олма, ўрик,  
Қуёш ёзмадан палак  
Онажоним қалби интиқ —  
Мендан кутармиш дарак.

### IV

Авжига ол, ол, ҳабибим,  
У ёнда Наврўз сайри.  
Субҳи сабо билмас тиним,  
Кўзимда соғинч дайри.  
Узоқ бўлса ҳамки чаман,  
Соғиниб, кўзим тўкилиб:  
«Мен Улуғбек юртиданман!»  
Такрорлайман энтикиб.  
Қўшилиб куйла, ҳабиб,  
Чўкмоқда салқин оқшом.  
Қўшиқдан ўзга табиб  
Топилмас соғинчли дам.

\* \* \*

Осуда тун ҳазин жилмайди,  
Тишиқдашди толиққан асаб.

Қатра симоб каби сиргалди  
Барглардан ой, юлдузлар шу тоб.

Ташқарида ғамгин шамоллар —  
Деразада чил синган авдуҳ.  
Асаблари тинч, кекса толлар —  
Хотирадай ёнаётган руҳ...

\* \* \*

Шу олис осмоннинг олис хаёли  
Мени бошлаб кетар аллақайларга.  
Россия бағрида кузак шамоли  
Айлана бошлади сирли найларга.

Сулувлиги билан бахтиёр қайин  
Олтинранг кўйлагин кийиб олади,  
Ўрмон, сени ташлаб кетмогим қийин...  
Арчага осилиб ўйлар қолади.

Ўрмон шовуллайди. Тинглайди фақат  
Дўстимга айланиб қолган сўқмоқлар.  
Суратга туширар мени сукунат,  
Суратга туширар таниш яроқлар...

\* \* \*

Деразанинг ёнида бир қиз  
Ўй суради дилгир, паришон,  
Юрагида ҳоким қандай ҳис?  
Кўзларида ёнар ҳаяжон,  
Деразанинг ёнида бир қиз...

Оқшом эса келмоқда тушиб...  
Уфқ ранги ўча бошлайди,

Еш қалбида нелардир жўшиб,  
Узоқларга нигоҳ ташлайди,  
Оқшом эса келмоқда тушиб...

Кипригида ялтирайди нам...  
Ойнинг титроқ нурларида жим.  
Унинг каби титрайди олам,  
Уни маънос этиб кетган ким?  
Кипригида ялтирайди нам...

Кўз ёшингни кўрмасин агёр,  
Елларга айт, артиб ташласин.  
Тиниқ кўкда шўх юлдузлар бор,  
Айт уларга, қўшиқ бошласин.  
Кўз ёшингни кўрмасин агёр...

\* \* \*

Қирларнинг бағрига енгил ва майин  
Шом рангида ҳарир туман тўшайди.  
Кечки шаббоданинг ёқимли найи  
Баланд дарахтлари сеҳрлаб олди.

Тупроқли йўлларда осойиш: ёдлар  
Кундузги ҳаётин эртақларини.  
Осмон йиғиштира бошлар булутлар —  
Оппоқ пахта тўла этакларини.

Тиниқлашиб борган ойнинг нурида  
Парчаланди гамнинг кумуш сиймоси.  
Сингди шовуллаган туннинг қаърига  
Кечиккан кузакнинг намхуш ҳавоси.

\* \* \*

Пойтахтдан бош олиб, негадир ғамгин,  
Чиқиб кетди қишнинг энг сўнгги туни.  
Дарахтлар сукутда. Ҳолбуки, бугун  
Қутилган баҳорнинг биринчи куни.

Юлдузсиз кечалар. Қоп-қора осмон.  
Шу қадар жимжитки, чиқмайди уни.  
Бу дунё гоҳо ёт, гоҳо қадрдон,  
Бемаҳал йўқотгинг келмайди уни.

Осмон — юрак. Тўлиб турганми жуда,  
Тун бўйи қор ёғди, атроф оқ бўлди.  
Ўлимни сезгандек айни авжида  
Аёз қулаётиб, ёввойи кулди...

## ШАҲАРДА КУЗ

### 1

Баҳор рангларини унутмоқдаман  
Сарғиш япроқларнинг хонишин тинглаб.  
Ёмғирли шамолга қўл тутмоқдаман,  
Кўча чироқлари ёнади титраб.  
Сўнгги троллейбусе тушириб кетар  
Бекатма-бекатга одамларини.  
Оз қолди, мени ҳам бекатим кутар,  
Ёмғир санай бошлар қадамларимни...

2

Мендан бошқа барча бахтли бу кеча  
Туш кўриб ё кўрмай ухлар осуда.  
Қанийди, хаёллар бир зум тинчиса...  
Кўзларим уйқуни соғинган жуда.  
Бу оқшом ҳаттоки чироқ ёқмадим,  
Тун бўйи тингладим битта қўшиқни.  
Охири бағримга босиб йингладим,  
Қоронгу хонамда бенаво ишқни...

3

Совуқ еллар эсиб қолди, боғларда  
Эшитилмас энди қушлар овози.  
Умрим, ўтмоқдасан кўп сўроқларда,  
Қачон бошланади сенинг парвозинг...  
Кечикиб келдинг деб қилмасми таъна  
Ранг-баранг қувончлар, беадад бахтлар.  
Йўлимда баҳорини бошларми яна  
Қаршимда дийдираб турган дарахтлар...

4

Хаёл сурган билан зерикмас осмон,  
Эринмай кутади баҳорларини.  
Шаҳарлар кўзига дўст этдим бу он  
Умримнинг энг гўзал саҳарларини.  
Сокиң ўйларимга урилаётган  
Чексиздай шовқиннинг чексиз шодлиги.  
Мени қувонтирар қурилаётган  
Қалбдаги шаҳримнинг умрбодлиги.

## ЎРМОНДА

Бунда тубсиз осмон шу қадар ёруғ..  
Ҳали зангор, ҳали зангор яшпоқлар.  
Сентябрнинг майин ҳидига тўдиқ  
Ўрмон кафтин чизиқлари — сўқмоқлар.

Нечун бирдан бахтли эдим шу кезде?  
Нелардир ёдимга ногаҳон тушар.  
Дарахтлар — кемадай. Ўрмон — денгиздай,  
Нигоҳлар — йўловчи. Шамоллар жўшар.

Бунда тубсиз сукут шу қадар ёруғ..  
Унут ҳатто дўстдан келган хиёнат.  
Ҳасратсиз яшамоқ нақадар улуг!  
Қуёш табассуми — шеърин саодат.

Уфқ — ўтмиши билан видолашар қалб,—  
Эрийди дунёда энг қадим ҳислар.  
Ортимдан қолади тиниқ жаранглаб  
Ўрмоннинг тушлари — мен босган излар.

\* \* \*

Гўзал хаёл, пок туйғу билан  
Нурафшон тун бағрига кирдим.  
Олам ётар маст уйқу билан  
Мен табиат бир-ла ўй сурдим.

Чўғдай ёвар бахмал осмонда  
Чама-чаман сочилган юлдуз.  
Вақт ҳам оқар ширин армонда  
Қўшиғига тополмайман сўз.

Шилдирайди, шилдирайди сой,  
Ўй суради олтинранг япроқ.  
Сирлашади мен-ла сирли ой,  
Юрагимда ажиб тонг — титроқ!..

\* \* \*

Тонготар қуёшга кўзини тикиб,  
Юрак титраётир оҳанглар ютиб,  
Яшагим келади, ота, энтикиб,  
Сиз босган изларга меҳримни битиб.

Қанча истасам ҳам, қанча қўмсасам,  
Болалик иложсиз қолди қайтгали.  
Худди шунга ўхшаб, отажонгинам,  
Умрим етмас барча сўзим айтгали.

Мени деб тортасиз шодлигу қайғу,  
Сочингиз оқарди менинг ғамим еб.  
Йиқилсам, дедингиз: «Менинг болам шу,  
Мендан бошқа кимни чорлар отам деб...»

Дегайман мен сизни умримдан азиз  
Ва орзумдан улуғ, яшайсиз дилда.  
Бахтлиман, сиз менга хушнуд боққан кез —  
Гар тупроқ бўлсам сиз босган йўлда..

\* \* \*

*Синглим Раҳиманинг альбомига*

Севилибди япроқлар бугун  
Баҳорнинг илк ёмгирларига.  
Тушунасан негадир, қизиқ

Япроқларнинг шивирларига,  
Қушларини соғинган осмон,  
Қуёш нури — замин севинчи.  
Кўрган каби тунда ширин туш  
Йўқолибди саболар тинчи...  
Ой кўмпилар қизғиш рангларга,  
Юлдузларда кулмоқ тилаги,  
Қайдан олдинг бундай титроқни —  
Севилдингми сен ҳам, юрагим?..

\* \* \*

Мартда қор ёғмоқда. Галати ҳавас,  
Галати ҳисларга юрак тўлмоқда.  
Музлаган йўлларда олмасдан нафас  
Баҳор соғинчлари унут бўлмоқда.

Тикилганинг сайин олдилайди тун,  
Ғанимат туюлар ҳатто мартги қор.  
Фақат шаҳар бефарқ: ҳанеиранар шовқин,  
Тушқун кайфиятни билмас автолар.

Шаҳар боғларида парижон сочли,  
Адашган дарвишдай айланади қор.  
Энг буюк соғинчдир — дарахт соғинчи,  
Дарахт болалиги, эҳтимол, баҳор..

Кезасан — ўйларнинг йўлини тўсар  
Зиқликдан тобора кулранг бу осмон.  
Деворлар сукути юракни қисар,  
Баҳорсиз яшамоқ, о, қандай ёмон!..



\* \* \*

Ярим кеча. Мен. Совуқ хона.  
Изғириннинг кенг этаклари.  
Деразамдан шивирлар, мана,  
Қахратон ҳам илк эртақларин.  
Деразам ҳам тонгга термилар,  
Нимасидир бордай айтарга,  
Кўзлар иссиқ ёшларга тўлар,  
Юрак сингар фақат сатрга...  
Ярим кеча. Мен. Рангсиз осмон.  
Изғиринлар куйи авжида.  
Совуқ хона. Бўғзимдадир жон —  
Соғинганман кимнидир жуда.

### Э С Л А Ш

Енгиб бўлмас ҳисларга асир бўлганман мен ҳам,  
Талабалик йилларин қувончли дамларида.  
Нурлар каби ярқираб кетарди тилаккинам,  
Тошкент оқшомларида, Тошкент оқшомларида.

Мен юрган шу кўчалар қучоғига сочилган  
Қишлоғим соғинчлари — истақларим номлари,  
Соғинчли мактубларнинг ҳиссига бўлди маскан,  
Пойтахтим оқшомлари, пойтахтим оқшомлари.

Катталашиб боради сезилмай ўтган йиллар.  
Ҳар кунимнинг нафаси ёшлик қадамларида.  
Бир кун келиб хайрлашди талабалик — гул йўллар,  
Тошкент оқшомларида, Тошкент оқшомларида.

Мен ҳар гал келганимда соғинган онам каби  
Қучоқлайди ҳаяжон — умримнинг шод дамлари.

Сиздадир дардларимнинг, хаёлларимнинг қалби,  
Пойтахтим оқшомлари, пойтахтим оқшомлари.

\* \* \*

Ёлғиз кезгинг келар кенг ўрмонларни,  
Япроқлар шивирлар муқаддас эртақ.  
Шовуллаб тўкилган ҳўл хазонларнинг  
Рухини қучоқлаб покланмоқ керак.  
Сочилиб кетганда уфқлар ранги  
Қайинлар кўйлаги бўлар қизил қон.  
Тун билан қуйилар сукут оҳанги,  
Тунги шамолларга тўлади ўрмон.  
Ёлғиз кетаверинг келади бу он,  
Қалбга одис жануб соғинчи тўлар.  
Ўрмон куйлайверар, ёдингга — не тонг,  
Отаётган жануб тонглари келар...

\* \* \*

Кўришгунча омон бўл, шимол,  
Хайрлашмоқ фурсати етди.  
Бир зумдаёқ бу қорли шамол  
Қуёшли кун, шаҳарни ютди.  
Хотиротдир аччиқ ва ширин,  
Яхши-ёмон, одамлар, кунлар.  
Бу дунёнинг каму кўстлигини  
Тунунолмай тугаган тунлар.  
Ўрмонлардан кетолмаган қор  
Ёдга солар жануб баҳорини.  
Шунда кутдим онамдан хабар —  
Бу соғинчининг ўзга оҳори!  
Қолар экан ҳар нуқта, изда  
Кўзларимнинг сурат, садоси.

Хуш қол, шимол, туйғун бу ҳисда  
Юрагимнинг бутун дунёси.

\* \* \*

Ой ҳам ботди маъюсина жилмайиб менга,  
Жануб яна тошғни кутди майин ва дилбар.  
Менинг эса видо айтгим келмади тунга,  
Айни чоғда қуёшдан ҳам кутдим хушхабар.

Юрагимни сирли-сирли туйғулар тутди,  
Асир бўлди тошг ила тун остонасига.  
Балким қайтмас олтин даврим қайрилмай  
кетди,  
Балким пешвоз чиқдим иқбол тантанасига.

## ЖАНУБГА ХАТ

### I

Москва бағрида май оқшомлари.  
Тиниқлашиб борар кўнгли сурури.  
Шовқин ёмғир каби тишгани сари  
Бўмбўш бекатларнинг тушар ҳовури.  
Мен уйни соғиниб кетдим, онажон,  
Тезроқ ёз келсайди, тезроқ келсайди.  
Бир парча қоғозда ёнмас эди жон,  
Дунё қучоғингдай очиқ бўлсайди.

### II

Барглараро сирғалади нур --  
Ой лабидан учади сўзлар.

Туғилади бетакрор сурур  
Оқшом туша бошлаган кезлар.  
Қуюқлашар самонинг ранги,  
Юлдузлар жим яқинлашади.  
Эсга тушган қўшиқ оҳанги  
Соғинчимга соғинч қўшади.  
Бу тун — бахтли келин тўйидай,  
Қалбга кирар мен ўсган тупроқ.  
Дарахтларнинг, сойнинг бўйида  
Тонг отади тилаклари оқ.

\* \* \*

Шу тинчгина ҳаёт — осойишта уй,  
Қишлоқнинг беором шамолларида,  
Ҳар куни тўқийсан ўзингча бир куй  
Қадрдон шаҳарлар хаёллари-ла.  
Турмушнинг туганмас ташвишларида  
Сен билан улгайиб борар йилларинг.  
Ҳар куни тушингда ишқ қушларидан  
Хат олиб, жавоблар ёзар қўлларинг.  
Йилнинг тўрт фаслида айланар умр,  
Не бир мўъжизалар олдда туюлар.  
Яшамаган умринг мисли сирли нур,  
Қайгу, шодлигингга бирдек қуюлар.  
Кўзингга, сўзингга сигмайин, ерга  
Бир юрак қувончинг сочилиб кетар.  
Кўк билан заминни кўмару сирга,  
Кўзлар ила юрак висолга етар.  
Шу қишлоқдай бахтли, шаҳардай бетинч  
Улкан орзуларга ватан қурасан.  
Шу нозик қўлларинг, нозик қалбинг-ла  
Шу катта дунёни суйиб юрасан.

\* \* \*

Яна куз бағрида шимол шаҳари,  
Боғларда ёмгирдан сўнгги тароват.  
Силкиндию кўчди ҳали оҳори  
Тўкилмаган яшил барглардан роҳат.  
Қайгадир шошилган маъёс шамоллар  
Руҳимга самовий кенгликлар битди.  
Кўп умрдай шошар, бахтдай кеч қолар,  
Куз билан юрагим қўшилиб кетди.

\* \* \*

Ёзнинг сўнгги саломлари кезиб юрар пойтахтда,  
Кезиб юрар неларнидир қўмсаган хаёллар ҳам.  
Учнинг келар баланд-баланд юлдузлар чақнар  
пайтда,  
Қўлларини узатади ҳайрихоҳ шамоллар ҳам.

Қадамларим ўз-ўзидан бошлар мени ўрмонга,  
Қайинлар ҳам ўз тилида эртак бошлайди секин.  
Тунги ғамлар ўхшаб кетар эриётган туманга.  
Тонгга яқин қолди, она, қадам ташлайман секин...

\* \* \*

Осмон туш кўради, тушларида мен  
Энг бахтли қуш бўлиб яйраб учаман.  
Дарё туш кўради, тушларида мен  
Тўлқинларни суйиб-суйиб кечаман.

Тупроқ туш кўради, тушида менинг  
Тупроғимдан гуллар унган бўлади.


Шу гуллар туш кўрар, тушида менинг  
Энг гўзал баҳорим келган бўлади.

Шамол туш кўради, тушларида мен  
Уфқлар ортига бориб келаман.  
Онам туш кўради, тушларида мен  
Тонг пайти қишлоққа кириб келаман.

# ЖАМОЛ СИРОЖИДДИН

---

## *Бинафшабўй сочлигим*



Жамол Сирожиддин 1955 йилда туғилган. Ўрта мактабни битириб, Совет Армияси сафида хизмат қилди. 1980 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатди. Ҳозир Республика радиосида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

## МУНДАРИЖА

Ижод . . . . .	105
Урушнинг овози ( <i>Туркум</i> ) . . . . .	106
Кўпайингиз, шоирлар . . . . .	109
Ҳолат . . . . .	110
Жўнатилмаган жавоб мактуб . . . . .	111
Хориждаги ватандошларга ( <i>Туркум</i> ) . . . . .	111
Гўдакка . . . . .	112
Илтижо . . . . .	112
Давид Кипианига . . . . .	113
Ебонликлар ва ёки Ватан ҳақида баллада. . . . .	115
Намоз ботир ҳасрати . . . . .	118
Бинафшабўй сочлигим ( <i>қўшиқ</i> ) . . . . .	119
«Ҳазоним гуллай...» ( <i>Лоиқдан</i> ) . . . . .	119
Сияб оқшомлари . . . . .	120
Чорлаш . . . . .	121
«Битта йўлни...» . . . . .	121



## **ИЖОД**

**Кул, лабларим, мулойим,  
Юрак, ёш тўк шашқатор.  
Бу оламда зўр ғаним  
Бўлган азиз дўстим бор.**

**Аста-аста бўғар у,  
Пўлатдан ҳар панжаси.  
Энг фараҳли лаҳзалар  
Бахш этар исканжаси.**

**У шундайин ғанимки,  
Ўзга ғанимлар бекор.  
У шундай дўст, дунёда,  
Йўқ ундайин вафодор.**

**Бир кун унинг панжаси  
Баҳоримни сўлдирар.  
Сўнгги йўқ исканжаси  
Мени тайин ўлдирар.**

**Ва бошимда қон йиглаб,  
Юз юлиб тутар мотам.  
Бундай аза тутмаган  
Сухроб ўлганда Рустам.**

**Ҳозир эса кул, лабим,  
Юрак, ёш тўк шашқатор.  
Бу оламда зўр ғаним  
Бўлган азиз дўстим бор.**

## УРУШНИНГ ОВОЗИ

(Туркум)

1

Олма шохларига айни навбахор  
Болаларни осди фашистлар қатор.  
Осмон тунд боқарди, чақин чақарди,  
Тонггача олманинг сочи оқарди.

2

«Партизан боласи» деб айб тақдилар,  
Исодай ёғочга тирик қоқдилар  
Ва жажжи нишонга отдилар беҳад...  
...Синиб тушди ёғоч қилолмай тоқат.

3

Борлиқни қошлади  
Мотор овози,  
Учиб келаверди  
Кумушқанот қуш.  
Ангиллаб қишлоққа  
Йўл олди този,  
Болакай куйларди  
Гўёки сархуш:  
«Самолёт,  
                        самолёт,  
Қанотингни  
                пастлаб ўт.

Дадамларнинг  
хатларин  
Сен бизларга  
ташлаб ўт».  
Пастлаб ўтди самолёт,  
Қўл узатса етарди.  
Ташлаб ўтди самолёт...  
Ташламаса нетарди?!

4

Мени кутяпсанми,  
покиза тўшак,  
Тирқишида ойни  
тишлаган эшик?  
Мени кутяпсанми,  
сомонхонада  
Шир яланғоч ҳолда  
осилган бешик?  
Мени кутяпсанми,  
дардим, ширин тил —  
«Қайейда, қачон» деб  
берилган сўроқ?  
Мени кутяпсанми,  
гуллаган беда,  
Пахса ёриғида  
занглаган ўроқ?  
Мени кутяпсанми,  
яккачўп кўприк,  
Деразам томонга  
кетган камбар йўл?  
Мени кутяпсанми,  
падар белбоғи,  
Онамнинг чап енги  
бўлганингча ҳўл?

Мен эсам  
хаёлнинг беланчагида  
Куларман  
атрофга таратиб ваҳм.  
Мени кутяпсиз-а,  
умрим тонгида  
Барчангизни кўрай,  
кўрайин доим.

5

Кўкат чиқмиш тарс ёрганча  
Сағананинг тошини.  
Бир қария гўр бошида  
Тўхтатолмас ёшини.

Мен сўрадим:— Бобо, нечун  
Юрак-бағринг тиглайсан,  
Бу ётган ким, нечун унинг  
Қабри узра йиглайсан?

Ғам қиличи «амин-ажин»  
Қилиб чопган юзини —  
Менга буриб, минг азоб-ла  
Бобо айтди сўзини:

— Бу келиним,— нурсиз кўзин  
Яна қайта ёшлади,—  
Уғлим жангдан қайтмади,— деб  
Дардин айта бошлади:

— Болаликда севишарди,  
Шўрлик келин кўп кутди.  
Йигирма йил «келади» деб,  
Йўлларига кўз тутди.

У келмади.. Сўнг бу кетди,  
Фарёд солиб қалбимга.  
Мен тирикман, сил касали  
Олди уни қабримга.

Жон беролмай қийналганди,  
Келиб қолар дея ёр.  
Очиқ кетди ҳатто кўзи  
Бу дунёдан умидвор.

Қара, болам, у кутмоқда —  
Ёриб қабр тошини!—  
Чол кўкатни кўзга суриб,  
Тошга босди бошини.

## КЎПАЙИНГИЗ, ШОИРЛАР

Шоир кўп қай элнинг, ўшал эдир музаффар,  
Ўшал диёр, ўшал юрт, ўшал тил мангу яшар.  
Ўтли ашъорингиздан нурга чўмсин қишлоқлар.  
Мисралар садосидан батанг бўлсин шаҳарлар.  
Сиз-ла тўлсин бекатлар, қўналғалар, вокзаллар,  
Кўпайингиз, шоирлар, кўпайингиз, шоирлар.

Шеър дегани — имлога айланган қон дегани,  
Барча нарса майдаю у каттакон дегани,  
Нурли бағридан чиққан ўтли туғён дегани,  
Не-не дилни забт этар соҳибқирон дегани.  
Шеър-ла тўлсин дўконлар, ижара уй, ётоқлар,  
Кўпайингиз, шоирлар, кўпайингиз, шоирлар.

Шеър бор дилда поклик бор, муҳаббат бор,  
виждон бор.  
Шеър бор дилда неклик бор, диёнат бор, имон бор,  
Қартайган орзуларни яшартмоққа имкон бор,  
Тиним берманг илоҳга, қўним берманг, то жон  
бор.

Сизга маҳтал мукаммал, умрбоқий асарлар,  
Кўпайингиз, шоирлар, кўпайингиз, шоирлар.

Истеъдодли бўлсангиз, шоирталаб замон бу,  
Ҳар битта шеър шоирдан оромларга исён бу,  
Жон бу, ном бу, қофия, келаверса ҳайрон бу,  
Пуқта қўйдим, хотима яна ўша сўз бўлар,  
Кўпайингиз, шоирлар, кўпайингиз, шоирлар.

## ҲОЛАТ

Тўлиб оққан наҳрлар ҳам  
Бора-бора қурийди.  
Йиллар баланд қояларни  
Замин қадар қилар паст.  
Бу дунёда собит бўлиб  
Бирор нарса қолмайди,  
Чинор, сен ҳам бир нафассан!  
Бир нафассан!

Бир нафас!..—

Гоҳо кимдир ўтказса ситам,  
Чопа бошлар дарахтин отам.

...Йиллар гувоҳ

боз қайдадир

Гувлар янги наҳрлар.  
Саратонда кумуш бошли  
Қоя кўкка ўрлайди.  
Балки унда  
соддаликка  
Миниб юрмас макрлар,  
Чиноримнинг соясида  
Болакайлар ўйнайди.—  
Болта изин, кўнгли бўш отам  
Лой-ла сувар, ўтмай бирор дам.

## ЖҰНАТИЛМАГАН ЖАВОБ МАКТУБ

Энди севинг номингни, дилдор,  
Оқ тортмасдан айтолмас тилим.  
Энди сени ҳар эслаганда  
Талнинмайди,  
Тўхтайди дилим.  
Ҳар мисрамда тобут юкича  
Армонларим ётар чўзилиб.  
Қоғоз узра мисраларимдек  
Қолгудайман мен ҳам узилиб.  
Узил, майли,  
Ҳаёт торларим  
Муножотим авж оҳангида.  
Энди падир янашим маним  
Бевафолик рангида...

## ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАРГА

*(Туркумдан)*

Аё, дўстлар, бу оламда  
«Ватандин яхши ёр ўлмас»<sup>1</sup>.  
Кишида гар Ватан йўқдир,  
Бирор он бахтиёр ўлмас.

У бордир — дилда гам йўқдир,  
У бордир — кўзда нам йўқдир,  
Алам йўқдир, ситам йўқдир,  
Кўзингга дунё тор ўлмас.

Муҳожирда мусофирсан,

---

<sup>1</sup> Қозоқ шоири Жумақент Нажмиддиновдан.

Ки гарчи шоҳи Бобурсан,  
Пушаймон қилгунг охир сан,  
Ниҳолинг ҳеч чинор ўлмас.

Кўзингдин тирқирар согинч,  
Юракда зирқирар согинч,  
Қаён қочма, тутар согинч,  
Қишинг — қишдир, баҳор ўлмас.

Она юртим — шароримсан,  
Тамоми йўғу боримсан.  
Жамолингман, мадоримсан,  
Умидим тору мор ўлмас.

#### Г Ў Д А К К А

Аравача маконинг,  
Сен бахтиёр боласан.  
Кўнглингда йўқ армонинг,  
Жилмаясан, куласан.  
Кенг дунё аравачанг,  
Эрта-индин улғайсанг,  
Торлик надир, билмайсан.  
Кенг дунёга сиғмайсан.

#### И Л Т И Ж О

Ўрим сочинг латиф танбур,  
Мени созанда қилсанг-чи.  
Бошинг кўксимга жо айлаб  
Чалай, оҳимни билсанг-чи.

Мўйинг пардаларин бир-бир  
Босиб, тунлар наво қилсам,  
Мани дардимга зор йиглаб,  
Мани завқимга кулсанг-чи.



Кесилди, бандидин синди  
Жами дотор ила танбур.  
Букун ман танхо машшоқам,  
Санам ёнимда қолсанг-чи.

Қўлимдин қўймайин бир дам  
Садафкор айлайин буткул.  
Иемингдай мўътабар, ошпоқ  
Жилоларга чўмилсанг-чи.

Неча йиллар суриб даврон  
Жамолингдин жудо бўлсанг,  
Бўлиб садпоралар, танбур,  
Совуқ юзга сочилсанг-чи.

#### ДАВИД КИПИАНИГА

Бир қисми қирқ бешдир,  
Бир қисми қирқ беш —  
Тўқсон дақиқалик  
Жанговор ҳаёт.  
Ўзга майдонларда  
Алам бу олқини,  
Ўз она ерингда,  
Тарафдор, наҳот?!  
Бир қисми қирқ бешдир,  
Бир қисми қирқ беш.  
Ўртада юмалоқ  
Фожеа — копток.  
Рақиб аламидан  
Шодланмоқ учун,  
Қароргоҳи томон  
Лозим йўлламоқ.  
Сен нечоғ эпчилсан,  
Жасур, жангари.

Не-не рақибларни  
Енгиб ўғолдинг,  
Фожеа тўпини  
Дарвозасидан  
Рақиб дил тўрига  
Боплаб теполдинг.  
Сенга ёғилмоқда  
Бу гуррос олқини,  
Сенга ёғилмоқда  
Гуррос ҳақорат!  
Ўзганинг гамида  
Ўз бахтин кўриш,  
Наҳот, инсон учун  
Абадий қисмат?!  
Калака қилишар  
Мағлуб рақибни,  
Тўқсон минг, юз минглик  
Шодон оломон.  
Алам билан боқар  
Оломон томон  
Бугун мағлуб бўлган  
Ун битта ўғлон.  
Бугун сен музаффар,  
Бугун сен ғолиб.  
Бугун сен миллион  
Тилларда дoston.  
Гуржи гўзаллари  
Майда қадамлаб,  
Гулдаста келтирар  
Сен учун, қувон!  
Аmmo, сен инграрсан,  
Мағлуб йигитлар  
Майдондан бош эгиб  
Кетган онлари.  
Жисмингга саноқсиз  
Ханжардай ботар,

Қучоғнинг тўлдирган  
Гул тиконлари.  
Сенга татимайди,  
Командадошлар  
Юзу кўзларида  
Барқ урган қувонч.  
Сенда сўна бошлар  
Одамизоднинг  
Покиза қалбига  
Бўлган пок ишонч.  
Бир қисми қирқ бешдир,  
Бир қисми қирқ беш.  
Сен ташлаб кетасан  
Майдонни, шонни.  
Сен голиб кирасан,  
Маъюс кирасан,  
Менинг юрагимга,  
Давид Кипиани.

## ЁБОНЛИКЛАР ЕКИ ВАТАН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Панжакентда бир қишлоқ бор,  
«Ёбон» дея номланур.  
Дейдиларки... «Бу қишлоқлик  
Кўрар қирқ йилча умр»..

Атрофида баланд тоғлар  
Ва пойида Зарафшон.  
Бунда ҳануз яшаб келар  
Ўн-ўн бешта хонадон.

Айтишарки: «Бу қишлоққа  
Қарғиш теккан азалдан».

Ев келганда тоғ бошида  
Пойлоқчиси ухлаган.

Муғ қалъаси гулхан ёқиб,  
Огоҳ этса хатарни,  
Ёбонликлар ўзгаларга  
Етказмаган хабарни.

Ганим босиб келган гуррос,  
Тоғу тошлар бўлган қон.  
Жасад сонсиз,  
Ўзи ювиб;  
Ўзи кўмган Зарафшон.

Шундан буён ёбонликка  
Осмон баланд, ер тақир.  
Бу дунёда қарғишдан зўр  
Қандай жазо бор, ахир?!»

Инкор этар ҳар ёбонлик:  
«Бу ривоят ёлгон,— деб. —  
Уша соқчи қирқ ёшдайди,  
Ухлаганмас, ўлган,— деб. —

Қарғишданмас, эл бошига  
Епирилган бу офат,  
Бизнинг тоғда бир маъдан бор,  
Ушандан бу касофат».

Ачинганча ён-вердаги  
Қишлоқ аҳли: «Келинг,— дер.—  
Истаганча серўт яйлов,  
Ҳам боғу роғ олинг,— дер.—  
Ҳашар чорлаб, ҳашаматли  
Уй-жой қуриб бергаймиз.

Бизнинг ерда қирқ йил эмас,  
Юз йил умр кўргайсиз...»

Қўи узоқмас қўшни қишлоқ,  
Бор-йўғи уч чақирим.  
Ебон тоғдан эр йигит-чун  
Бир наъра ё бақирим.

Қизик, аммо тарк этмади  
Ўз қишлоғин бирор жон.  
Бунда ҳануз яшаб келар  
Ўн-ўн бешта хонадон.

Меҳмон қўнмас бу қишлоққа  
Меҳмон бўлдим то саҳар.  
Меҳмон учун моли тугул,  
Лозим бўлса, бергай сар.

«— Ўзга юртнинг юз йил яшаб  
Бўлгунингча подшоси,  
Ўз ерингни қирқ йилгина  
Бўлиб ўтгин гадоси».—

Каби сўзлар айтди менга  
Уй соҳиби Мирсайид,  
Мен — ўттиз ёш навқиронман,  
У — ўттиз ёш мўйсафид.

Қайтарканман, амин бўлдим,  
Ебонлик-чун не Ватан.  
Ва кўрдимки Ебонтоғда  
Енар эди зўр гулхан...

## НАМОЗ БОТИР ҲАСРАТИ

Дарё эдинг, оқа-оқа сой бўлдинг,  
Қуёш эдинг, боқа-боқа ой бўлдинг.  
Сўнгсиз эдинг, кўзга сизгар жой бўлдинг.  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим.

Булутларга отган тошим етмади,  
Ватан, сен деб тўккан ёшим етмади,  
Ёлғиз эдим, ёлғиз бошим етмади.  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим.

Сени дедим, ҳаловатим тийдим ман,  
Куч-қудратим рўзгоримдан қийдим ман,  
Шоҳ сийратга гадо суврат кийдим ман.  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим,  
Армонларда мағлуб бўлган орзуим.

Орзу эдинг менинг қора кўзлигим,  
Закийлигим, эркин, ўктам сўзлигим.  
Букун энди сен-да бўлдинг ўзлигим,  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим.

Ноҳақ қилич бўлса, бир кун сишгуси,  
Юрак дардим бағирларга ингуси,  
Шунда қувноқ бўлур ёки тингуси  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим.

## БИНАФШАБҮЙ СОЧЛИГИМ

(Қўшиқ)

«Талпинар дил сен томон»<sup>1</sup>  
Бахтимга бўлгил омон,  
Бинафшабўй сочлигим,  
Сен яхшисан, мен ёмон.

Қучма мени, чор девор,  
Бамисоли ёр, девор.  
Учгим келур ёр томон,  
Қўй, қўйиб юбор, девор.

Бунча олис манзил-эй,  
Бунча эзилдинг дил-эй.  
Бинафшабўй ёр сочин  
Шамол эмас, мен силай.

Тугади-ку, бардошим,  
Эзилди ичу тошим.  
Айни баҳор ёшимда  
Қорга беланди бошим.

Талпинар дил сен томон,  
Бахтимга бўлгил омон.  
Бинафшабўй сочлигим,  
Сен яхшисан, мен ёмон.

\* \* \*

(Лойиқ Шералидан)

Хазоним гуллагай ул кун агар кулеанг баҳорим сен,  
Бу оламга сизмасдим ман жой олсанг гар каноримдан.

<sup>1</sup> Қўшиқдан.

Ва лек, афеусу вовайло сени васлингдин маҳрумман,  
Зарафшон зарлари янглиг йироқсан ихтиёримдан.

Нетай қўл калтадир, етмас тутиб нозик қўлинг  
айтсам:

«Гули оташпарастям сан, вужудимда шароримсан».

Менга ёнмоқ писанд эрмас ва лек гоҳида қўрқарман,  
Бу оташ ишқ тегиб ногоҳ, айрилмай ёдгоримдан.

Санам оташ, манам оташ, оловлардин олов зурёд,  
Биз ўтган сўнг гули оташ униб чиққай мозоримдан.

### СИЁБ ОҚШОМЛАРИ

Иқболдайин ойдин кечада  
Сарин экин сокин уфурар.  
Қоратоллар шивирланганча  
Туироқ йўлда шуъла супурар.  
Миера-миера эгатлар аро  
Ярқирайди симобий ёғду.  
Чигирткалар аллалари-ла  
Ҳов, қишлоқни қоплайди уйқу.  
Бедазорнинг ҳар-ҳар еридан  
«Пат-палақ»лар бедана сармаст.  
Туироқ йўлнинг қоқ ўртасида  
Бир кўланка, икки хил нафас.  
Чим уюми узра соқчидир  
Миришкордан қутулган кетмон.  
Бир кўланка, икки нафасга  
Кумуш танга сочади осмон.  
Қуйироқда, қадим Сиёбга  
Ирмоқ қўшар қўнғир лойини.  
Ой беҳаё, бепарво кўрар  
Соҳилдаги «асал ой»ини.



## Ч О Р Л А Ш

Сийрак юлдуз, оқ ойдин кеча,  
Сиёб ичра эриб оқар нур.  
Ойга бўса йўллашганича  
Балиқчалар сувда ирғашур.  
Шундай дамда ухламоқ увол,  
Соҳилга кел, кел, соҳибжамол.

Шеърларидан бўлак нарсаси  
Бўлмаганинг соясини мисол  
Сиёб узра эгик танаси,  
Хаёл сурар, каллакланган тол.  
Барг ёзсин ул, сурмайин хаёл,  
Соҳилга кел, кел, соҳибжамол.

Ешлик ахир тонгдай қисқадир,  
Умр ҳам то қуёш ботгунча.  
Ошуфта дил сени истайдир,  
Мағрур қаддим толдай эгганча.  
Чўлда унган бир гиёҳ мисол  
Чанқогингман, кел, соҳибжамол.

...Чизар эдим, бўлсам мусаввир,  
Жонланганда шундай хотира:  
Келмоқдасан, саботга шукр.  
Мана, келдинг бесас, бокира.  
Лабларингдан сўрмоқ бўлиб бол,  
Бўшлиқларни қучарман беҳол.

\* \* \*

Битта йўлни уч хил тақдир  
Уч хил атар:  
«Борса келар», «Борса келмас»,

**«Борса хатар».**  
**Неча карра омон қайтдим**  
**Сенда юриб,**  
**Не кўргилик ҳозирладинг**  
**Йўл, бу сафар?..**

ШУКУР СОДИҚ

---

*Исёнкор дарахтлар*



Шукур Содиқ 1959 йилда  
туғилган. Тошкент  
полиграфия техникумини  
бигириб, 1977-1979 йилларда  
Совет Армияси сафида  
хизмат қилди.  
ТошДУнинг  
журналистика  
факультетини тугатган.

## МУНДАРИЖА

«Мен...» . . . . .	125
Дехқонбой отанинг пресс-конференцияси . . . . .	125
Иосиф Каменский . . . . .	127
Исёнкор дарахтлар . . . . .	128
Саратов симфонияси . . . . .	128
Куз хаёллари . . . . .	129
Суратга . . . . .	130
«Ногоҳ ишқ ҳажрида...» . . . . .	131
Келинчак . . . . .	131
«Шаҳло кўзларингда...» . . . . .	133
Хат . . . . .	133
«Сукутли майсалар...» . . . . .	134
Қалдирғоч қаро бўлур . . . . .	135
«Ёдимдадир...» . . . . .	136
«Номаълум аёл суратига...» . . . . .	137
«Мен бир сайёраман...» . . . . .	137
Денгизга савол . . . . .	138
Почта қутиси . . . . .	138
Ҳақиқатнинг кичик сурати . . . . .	139
«Мен сендан қочолмайман...» . . . . .	139
«Шоир бўлиш осон...» . . . . .	140

\* \* \*

Мен  
Ватан ҳақида,  
Она ҳақида,  
ёзолмайман.  
Қўлимдан келмас.  
Лекин гўзал қофиялар  
топиб ҳайқирмоқ,  
Шивирламоқ унча қийинамас.

Кимки ёзган бўлса  
омадин берсин,  
Менинг изланишдан  
кўнглим эмас тўқ.

Эҳ,  
Ватан ҳақида,  
Она ҳақида,  
Энг муқаддас сўзлар  
Луғатларда йўқ!

### ДЕҲҚОНБОЙ ОТАНИНГ ПРЕСС- КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Деҳқонбой Ўзбаков, звеновойман,  
Плани бажардик бу йил дўндириб.  
Мухбирлар келишиб газеталардан,  
Суратга олишди бизни кулдириб.

Оддий пахтакорман, насибам тугал,  
Шу соҳа илмидан бир оз илганман.

Дейлик, юзлаб тонна химикатидан  
Бир челақ қўй гўнгин афзал билганман.

Менинг бутун умрим қишлоқда ўтди.  
Севинчу ғамларни шу ерда тоқдим.  
Ҳаётдан полишга асосим йўғ-у,  
Аммо соғлиғимни бир оз йўқотдим...

Тунов гап солгандим раисимизга,  
Зора боринг деса курортга, ийиб,  
Раис хижолатда ёндирди мени,  
Йўлни ҳам, тилни ҳам билмайсиз-ку, деб.

Тўғри, йўл-йўриқни яхши билмайман,  
Илмга ташна бўп куйганларданмиз.  
Мана, шу шоввозлар раис бўлсин деб,  
Тилини чиқариб қўйганларданмиз.

Ешлигим оловли йилларда ўтди,  
Далада яшадик жангчиларга хос.  
Ҳаттоки, хотиним тўнғич ўғлимни,  
Даладан йўрғаклаб келганлиги рост...

Афсус, замон қалқиб турибди яна,  
Йўли тўсилмоқда яна Эркликнинг  
Имони саломат Ватаним ҳаққи,  
Имони саломат бўлсин Тинчликнинг.

Ешликдан фирқага аъзман қалбап,  
Компартия берди юртимизга зеб.  
Сўрашса, юракни кўрсатдим доим  
Деҳқонбой отаннинг партбилети деб.

Гапнинг қиеқаси шу, ёзувчи ўғлим.  
Бизга дала — китоб, кетмон, бу — қалам.  
Тошкентга борганда шоир дўстларга  
Меҳдан айтиб қўйил кўпдан-кўп салом.

## ИОСИФ КАМЕНСКИЙ<sup>1</sup>

Сиз тирик қолдингиз, Иосиф,  
Хотин ва болалардан ажралиб,  
Қишлоқдан ажралиб, бахтдан ажралиб.  
Бирек юртдан ажралиб колмадингиз, Иосиф!  
Сиз тирик қолганлигингиз учун  
Ўқиниб яшайсиз, Иосиф,  
Гарчи Сизни ҳам тирик ўлдиришган  
Бўлсалар-да фашистлар.  
Сизни учрашувларга таклиф этарлар,  
Сўзлаб бермоқ керак кўрганларингиз..  
Телевидение орқали бир соатлик эшиттириш;  
Забон йўқ сўзлашга,  
Қудрат йўқ сўзга,  
Бўзингизга тикилади юракмас — Хатин,  
Кўзингизга урилади шафақмас — Хатин.  
Хатин, култепага айланган Хатин,  
Хатинга айланди қолган умрингиз, Иосиф!  
Бу урушда белоруснинг  
Тўрт фарзандидан учтаси шаҳид кетди,  
Тўртинчиси эса қолди Сиз каби.  
Иосиф, «тўртинчи»лар қолди Дунёда!  
Қуёш тўлғонмоқда,  
Баҳор уйғонмоқда,  
Она-Ер қизғонмоқда  
«Тўртинчи»ларни деб.  
«Тўртинчи»лар хавф остида, Иосиф!  
Нега жимсиз, Иосиф?  
Сукутда йиғлайсиз,  
Сукутда ҳайқирасиз,  
Тинчлик истайсиз,  
Сукунатда Тинчлик бордаини, Иосиф!

---

<sup>1</sup> 1943 йил 22 мартда гитлерчилар Белоруссиянинг Хатин қишлоғи аҳолисини тириклай ўтда ёқдилар. Тасодифан биргина Иосиф Каменский тирик қолди.

## ИСЁНКОР ДАРАХТЛАР

Баҳорда дарахтлар исён қиларлар  
Яшил байроқларни кўтариб кўнка.  
Қаддин қалқон қилиб собит турарлар  
Довруқ солмоқчидай тубсиз фалакка.

Тунда, ой нурида содиқ соқчидай  
Кўм-кўк совут кийиб турар дарахтлар.  
Гоҳида кўнглимни кўтармоқчидай  
Хаёлим саҳнида юрар дарахтлар.

Исёнкор дарахтлар силсиласида  
Ўзимни сезгум мен эркин, бахтиёр.  
Дарахтларнинг яшаш намунасида  
Муте зотлар учун буюк ибрат бор.

Баъзида ғам-ғусса дилимда тошиб,  
Дарахтларни қучиб босганимда лаб,  
Ўзимга-Ўзим қул бўлишдан қочиб,  
Яшагим келади уларга ўхшаб.

## САРАТОН СИМФОНИЯСИ

Қуёш олов тиллари билан  
Ялаганда ернинг сатҳини,  
Олампаҳоқ, дея, ўт-ўлан,  
Яшилланиб куйлар мадҳини.

Саҳролардан гармсёл эсиб  
Юзга урса дўзахнинг тафти,  
Далаларнинг бошини силар  
Дехқонларнинг ёрилган кафти,



Бекатларда симёгочларнинг  
Соясига бекинган бошлар  
Билармикан ўзбек даласин  
Безаб турар минглаб Қуёшлар.

Яйловларда кезар қўйчивон,  
Пешонада қийиқча боғлиқ.  
У ҳам яшар она юртимнинг  
Бўлсин дея қозони ёғлиқ.

Ҳеч қайда йўқ бундай манзара,  
Тополмассан унинг нисбатин —  
Саратонда Қуёш ва Деҳқон  
Ўйламоқда ҳосил қисматин.

Иш соати тугаркан, ҳар кун  
Қуёш ботмас уфқ йўлида.  
У далани кезмоққа келар  
Фонус бўлиб деҳқон қўлида.

## КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Қартайган баҳорнинг хазонрезлари —  
Оёғим остига тўшалган гилам.  
Ул ўтган баҳорнинг ўчмас излари,  
Сени ёдга солар нечун, жонгинам?

«Қартайган баҳор» — бу баҳор эмасдир,  
Дарахтлар шоҳида барги — чалажон.  
Бизнинг баҳоримиз фурсат билмасдир,  
Наҳот қартайимиз биз ҳам, онажон?!

Япроқлар бандидан узилиб тушар  
Энг сўнгги умридан кўрсатиб нишон.  
Яна баҳор келиб яшарар боғлар,  
Бобожон, нега сен ўйчан, паришон?

Осмондан мезонлар тушмоқда учиб,  
Яна ортиб борар дилда ташвишим.  
Ёмон тушларимдан юраман чўчиб,  
Хиёнат қилмасми энг яқин кишим?

Баъзан хаёлларим сизмай дунёга,  
Мен нолиб яшайман ўзимдан-ўзим.  
Чулганиб боряпман сендек зиёга,  
Ўзга бир осмонда қолган юлдузим.

Чаноқлар кафтига жойланган юртим  
Ҳар лаҳза пахта деб олмоқда нафас.  
Сенинг тириклигинг менинг ҳам бахтим,  
Отажон, ўзингни ўйлагил бирпас!

Онам сочларига инмоқдадир оқ,  
Дилбар келинига боқар тўймайин.  
Бир дунё ташвишда ёнсам-да, бироқ,  
Онамни асрагим келар кун сайин.

Ҳар кимнинг қалбиши ўртагай сўзсиз  
Бу қадим ҳаётнинг зил саволлари.  
Бугун камолотни қилмоқда кўз-кўз  
Баҳорда тугилган куз хаёллари.

## С У Р А Т Г А

Кўкда ой саросар осмонни кезар,  
Ошино юлдузлар боқар жимгина.  
Забонсиз бу муҳит дардимни сезар,  
Фақат сен сезмайсан, фақат сенгина...

Кеча баҳор эди, бугун, мана, куз,  
Бу рақсин суратлар ўткинчи бари.

Мен сени элайман бекалом, бесёз,  
Сенсиз саргаймоқда умрим дафтари.

Унесиз тикиласан, кўзларингда гам,  
Сезмассан умримнинг беруҳ тотини.  
Фақат сен қўриқлаб яшайсан, эркам,  
Унут кушларимнинг хотиротини.

\* \* \*

Ногоҳ ишқ ҳажрида ёнсанг, титроғинг мен бўлиб  
қолгум,  
Баҳор айёмида гулдин сўроғинг мен бўлиб қолгум.

Гўзаллик шоҳидирсан ёр, давлати пойингга бошим,  
Муҳаббат гўшаси ичра чироғинг мен бўлиб қолгум.

Кўзим юмсам бу оламдин, ғаним васлинг тилар бўлса,  
Ғаним кўксига санчгувчи яроғинг мен бўлиб қолгум.

Агар толе насиб этмас экан васлинг менга, дилдор,  
Юрагинг чок қилур бирён фироғинг мен бўлиб қолгум.

Қаро зулфинг каби бахтим қаро қилсанг фироғингда,  
Оёғинг остида ётган тупроғинг мен бўлиб қолгум.

## К Е Л И Н Ч А К

(Ўтмишдан)

Бугун сенинг сочингни майдалаб ўрадилар,  
Келинлик либосида элу халқ кўрадилар.  
Сирдош дугоналаринг кўзларига ёш олиб,  
Сенинг ғариб севгингга ачиниб турадилар.

Кенг кўчадан куёвинг ёр-ёрла келаётир.  
Мажруҳ юраккинангни нимадир тиглаётир.  
Сен учун ҳам қишлоқнинг четидаги кулбада  
Яраланган шер каби бир йигит йиглаётир.

Отагинанг бераҳм, тушунмас дил дардини,  
Қовушмас икки мисра қилди-ку ишқ фардини.  
Бир йигит мажнун бўлиб, сен юрган кўчаларнинг  
Кўзига суртаётир малҳам билиб гардини.

Сени яратганлар оҳ, бахтингни сотаётир,  
Палақмонтош қилишиб, йироққа отаётир.  
Сенга нажот йўлини очиб беролмай ҳайрон,  
Қуёш ҳам аввалгидан эртароқ ботаётир.

Билагузук бандидан зирқирайди билагинг,  
Чимилдиққа бошлайди нажот йўли — тилагинг.  
Сен қолдириб кетарсан бир йигит огушида  
Жисмингдан айри тушган руҳинг ила юрагинг.

Кўз ёшларинг шашқатор, нидо қиларсан аранг:  
— Қайда қолди муҳаббат, қайда у сўқир ва  
гаранг.

Эй, кўкдаги юлдузлар, руҳимнинг овунчоги,  
Одамлар тушунмаган юрагимга бир қаранг.

...Юлдузлар ҳам жимгина қайларгадир йўл олди,  
Бир йигитнинг қалбида фалак қадар гаш қолди.  
Ой нимта, кўнглинг нимта, тонгга яқин инградинг:  
— Юрагимда тош қолди, юрагимда тош қолди...

\* \* \*

Шахло кўзларингда ловуллайди шавқ  
Севгиинг бетакрор қасидасидай.  
Сен рўйи жаҳонга бермоқдасан завқ  
Ердаги гўзаллик маъбудасидай.

Сенсиз баҳорларнинг йўқдир ифори,  
Сенсиз товланмагай кўкда камалак.  
Қанча Машрабингнинг осилган дори,  
Сенинг сочларингда турган жамалак.

Сен тоза туйғулар Дездемонаси,  
Кўнглингни Яголар авраб юрибди.  
Ўзбекнинг қон ютган бир Отеллоси  
Менинг кўкрагимдан қараб турибди.

Шундай қиёмат билан боғландим сенга;  
Бошимга кўтарган осмоним ўзинг.  
Ўзгача эътиқод керакмас менга,  
Мангу сифинажак имоним ўзинг.

## Х А Т

Осмон қадар улкан ғамни биз  
Кўтариб юрибмиз елкамиз тираб.  
Яшасак бўлмасми ўкинч, қайғусиз,  
Бевафо дунёга бепарво қараб.

Бу осмон нимадир, бу ер нимадир.  
Оралиқ — жумбоқлар силсиласими?  
Хатолар, армонлар, ҳасрат, аламлар  
Ҳаётнинг нотугал фалсафасими?

Сен ва мен яшаймиз имконсизликда.  
Меҳрсиз қолдириб битта Одамни,

Йилларким, лаънатлаб келасан кўзда.  
Кўзингга бахт бўлиб кўринган дамни.

Бахтнинг либосини кийган бахтсизлик  
Бир кун либосини ечди-да, кетди.  
Бу хато сенингмас, менингмас, йўқ, йўқ,  
Муқаддас туйғунинг бошига етди.

Йиллар ўтиб борар, биз ҳам ўтамиз  
Виждон ҳукми билан суд қилиб ўзни.  
Ҳис қилиб яшаймиз энди бир умр  
Бизни таъқиб этар қасоскор Кўзни.

Вақт бизга бахш этгай прода, сабот,  
Дилда ғам қолмагай қатма-қат бўлиб.  
Сен — ёлгон, мен — ёлгон, аммо ўртада  
Хотирот яшайди ҲАҚИҚАТ бўлиб!

\* \* \*

Сукутли майсалар кирмоқда тилга,  
Боғларнинг бошини шамол силайди.  
Баҳор келганлигин эшитиб элга,  
Менинг хотирамда бир қиз йиғлайди.

Соғинч етаклайди йилларга яна,  
Билмайман, ҳисларим кимни излайди.  
— Энди кечикдингиз, бизлар «бегона»—  
Дея, хотирамда бир қиз йиғлайди.

Кўзлардан, сўзлардап дард, ҳасрат тошиб,  
Бундай яшаб бўлмас, ақлим илғайди.  
Бахтли кунларимни бағрига босиб  
Менинг хотирамда бир қиз йиғлайди.

Мен қаён кетмайин, қаён боқмай боз,  
Рухимни адоқсиз гусса тиглайди.  
Армонли умримга айлаб эътироз,  
Менинг хотирамда бир қиз йиглайди.

## ҚАЛДИРҒОЧ ҚАРО БЎЛУР

(Халқ оҳангида)

«Қалдирғоч қаро бўлур, қаноти ола бўлур,  
Ешликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур».  
Кимки севар ёрининг висолига етолмаса,  
Ҳижрон деган бедаво дардга мубтало бўлур.  
Қалдирғоч муҳаббатим, қўл етмас сароб бўлди,  
Менинг орзу, ўйларим ҳижратда хароб бўлди.

Умр оти югурик, қўним билмас, начора,  
Тегрангдан ўтар елдек солиб доврुक-даввора.  
Юлдуздан айрилган осмон менча бўзламас,  
Бугун етти иқлимда оҳим менинг оввора.  
Дўстларим, кеч англадим, ишқ бошқа, ҳавас  
бошқа,  
Оламда гўзаллар кўп, ул тийра нафас бошқа.

Англадим дунё ишин, инсон қадр-қимматин,  
Ҳаёт дариг тутмади яхши, ёмон ҳимматин.  
Юрт берган, онам берган шу жону камол учун,  
Тирикманким, қилгайман жон-бажолаб хизматин.  
Бироқ мени васлингга зор этдинг муҳаббатим,  
Кенг дунёни кўзимга тор этдинг муҳаббатим.

Муҳаббатим, нурафшон умримда таянч бўлдинг,  
Яхши, ёмон кунимда ҳамдарду суянч бўлдинг.  
Баҳор ўтиб, ёз келди, куздан сени излайму?

Умр-ку ўтар; аммо, сен дилда аянч бўлдинг.  
Сўнг дамгача кетгайман фиғону алам бирлан,  
Умрим етмас васфингни чизмоққа қалам бирлан

«Қалдирғоч қаро бўлур, қаноти ола бўлур,  
Ешликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур...»

\* \* \*

Едимдадир: Вокзал.

Оломон.

Эҳтиросли бўсалар тоти.  
Олиб кетди сени йироққа  
Поездларнинг учқур қаноти.  
— Кетма, қолгин дея ёлвордим,  
Дединг, йўқдир ўзга имконим,  
Билмам бугун, умринг поезди  
Қай манзилда кетмоқда, жоним.  
Менинг эса юрагим — вокзал,  
Томирларим — темир излардир.  
Келиб кетар қанча поездлар,  
Поездларда ўзга қизлардир.  
Юрагимда бекатинг бўм-бўш,  
Сени кутар интиқ, бесабр.  
Келолмассап, оғир бурч юки,  
Йўл бузилган, йўқ ўзга тадбир.  
...Чорлагайсан,

етмоқ-чун сенга

Сатрлардан қураман излар.  
Ишонаман, қачон бўлса-да  
Учрашади бизнинг поездлар!



## «НОМАЪЛУМ АЁЛ» СУРАТИГА

Сиз гўзалсиз, бағоят гўзал,  
Таърифлашга ожиз эрур Сўз.  
Бўсаларнинг ҳажрида ёнган  
Лабларимдан қизғонади Кўз.

Сиз гўзалсиз, бағоят гўзал,  
Чин гўзаллик камолдирсиз.  
Менинг учун туғилган газал —  
Билмам кимнинг хаёлдирсиз...

\* \* \*

Мен бир сайёраман,  
Сен бир сайёра,  
Ўзга-ўзга олам айланишимиз.  
Чиқиб кетолмасмиз меҳваримиздан,  
Табиатнинг «ўзгармас» қонунлари бор,  
Ижросин сўрайди ҳар биттамиздан.  
Буюк Нютон кечирсин мени,  
Тортишини кучлари жисмлардамас,  
Инсон руҳида ҳам мавжуддир!  
Шунингдек сенда ва менда.  
Мен айланишман куррамиз мисоли,  
Муҳаббат кучининг таъсири билан.  
Мен бир сайёраман,  
Сен бир сайёра,  
Бир кун ўзгарадир айланишимиз.  
Қонунга бўйсунмас муҳаббат кучи,  
Муқаррар айлагай боғланишимиз!  
Янги аксиома, маъноси шундай:  
Ҳар дўстлик кучлари айлана олса  
Муҳаббатнинг сўнмас алангасига,  
Одам — сайёралар бирлашадилар-да,  
Яшайдилар битта меҳвар айланишида.

## ДЕНГИЗГА САВОЛ

— Чўл-ку чўллигидан қўлтум сувга зор,  
Нега сен ёмғирни кутасан, денгиз?..

—...

## ПОЧТА ҚУТИСИ

Муюлишда почта қутиси,  
одамларга хизмат этади  
Ва унга турли хил одам  
юзлаб мактубларни ташлаб ўтади.  
Мактублар бир бутун қалбни  
ўзида мужассам этмишидир.  
Умрларнинг кўчирмасини  
конвертлар олибон кетмишидир.  
Эшикларда почта қутиси...  
Ен қўшнимиз Рўзиой хола.  
Унинг учун бу дунёда ғам  
ҳалок бўлган ўгли — ягона.  
Қанча йиллар ўтди орадан,  
уруш нима — билмас болалар.  
Умид билан яшаб дунёда,  
хат кутади Рўзи холалар.  
Ўгли тирик — отади тонглар,  
ўгли тирик — қўрқинчлимас тун.  
Сўнгги ният бизнинг холада,  
Уламан, дер, ўғлим келган кун.  
Қудрат берар инсонга ишонч,  
хиралашиб қолган нигоҳи.  
Оғир келар она заминдан,  
почта қутисига жо бўлган оҳи.

Сўнги пайтларда хола англолмас,  
ўғлига ўхшайди ҳар битта киши.  
Энди ҳеч кимсанинг Рўзи холадай  
почта қутисига тушмасин иши!

## ҲАҚИҚАТНИНГ КИЧИК СУРАТИ

*Рассом Исфандиёр Ҳайдаровга*

Расм дарси.  
Уйга вазифа —  
чизиб келмоқ қишлоқ суратин.  
Уйга келиб ўқувчи бола  
синаб кўрди илк бор журъатин.  
Чизди қишлоқ манзарасини,  
чизди дала, боғларни, сойни.  
Пастқам уйлар расмини чизиб,  
тўртта уйга берди чиройни  
Ва тагига ёзиб қўйди сўнг  
қишлоғининг азиз номини.  
Кейинги дарс ўқитувчиси  
«қониқарсиз» баҳони қўйди.  
Буюк ҳайрат, мурғак тасаввур  
илк бор алам ҳиссини туйди.  
...Йиллар ўтгач англаб етди у  
не экапин ўша журъатин.  
У чизганди, ўзи ҳам билмай  
Ҳақиқатнинг кичик суратин.

\* \* \*

Мен сендан қочолмайман тўрт фасл аро,  
Теграмда йил бўлиб елаверасан,

Қишни енгиб чиқсам, баҳорга интиқ,  
Қаршимдан ёз бўлиб келаверасан.

Кўчаларга ташлаб келсам хаёлинг,  
Тун бўлиб қучасан ёруғ хонамни.  
Ой бўлиб фалакка чорлайсан нечун,  
Йўлидан адашган мендай одамни.  
Сендан хатлар келар, табриклар келар,  
Дилда қайта ёқиб умид-ёлқинни.  
Йиллар қирғоқ бўлиб қайтариб турар,  
Юрагинг қаърида турган тўлқинни.

Баъзан сукут бўлиб, баъзан гам бўлиб  
Хаёлга нигоҳинг ташлайверасан.  
Руҳсиз вужуд билан билмам, табакай,  
Фузордан келолмай яшайверасан.

Эркам, бу дунёнинг дунёлиги шу,—  
Тегрангда йил бўлиб елаверади.  
Қишни енгиб чиқсанг, баҳорга интиқ,  
Қаршингдан ёз бўлиб келаверади!

\* \* \*

Шоир бўлиш осон, шеър ёзмоқ қийин,  
Яхши шеър аслида жуда-жуда кам.  
Илҳом оқусининг ортидан қувиб,  
Биз нима қилолдик, айт-чи, дўстгинам?

«Бизга кўп ҳар хил шоирлар керак»<sup>1</sup>  
Жанггоҳга ўхшайди назм майдони.

---

<sup>1</sup> В. Маяковскийдан.

**Шеърият тожига кўзларин тикиб,  
Кимнингдир бўғзидан чиқмоқда жони.**

**Шеърият қайдасан, қайда маконинг,  
Мангулик қайдасан, берсанг-чи дарак?  
— Дўстим бу майдонга йўл тонмоқ учун,  
Аввало, Данконинг юраги керак!**

## МУНДАРИЖА

<i>Абдумажид Азимов. Ўтаётган йиллар . . . . .</i>	3
<i>Бахтиёр Бобонов. Мен эшик қоқаман . . . . .</i>	31
<i>Фарида Бўгаева. Қирқ кокиллигим . . . . .</i>	53
<i>Абдулҳамид Муҳаммадиев. Муҳаббат кечалари . . . . .</i>	65
<i>Ойгул. Уфқлар ёнганда . . . . .</i>	83
<i>Жамол Сирожиддин. Бивафшабўй сочлигим . . . . .</i>	103
<i>Шукур Содик. Исёнкор дарахтлар . . . . .</i>	123

*На узбекском языке*

**КОЛЛЕКТИВ**  
**БЛИЗКОЕ НЕБО**  
**С т и х и**

Тақризчи *Шавкат Раҳмон*

Редакторлар **А. Суюнов, М. Кенжабоев**  
Рассом **Н. Ақромов**  
Расмлар редактори **А. Мамажонов**  
Техн. редактор **М. Мирражабов**  
Корректор **Ш. Собирова**

ИБ № 3083

Босмахонага берилди 24.10.85. Босишга рухсат этилди 04.03.86.  
Р-14545. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 2. Янги оддий гарнитура. Юқорн босма. Шартли босма л. 5,26. Шартли кр.-оттиск 5,55. Нашр л. 5,01. Тиражи 10000. Заказ № 1841/102. Баҳоси 60 т. Шартнома № 204—84.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича УзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.

**Осмон шундай яқин: Шеърлар.—Т.: Ада-  
биёт ва санъат нашриёти, 1986.— 144 б.**

«Осмон шундай яқин»... Ушбу мажмуага етти навқирон шоирнинг ижодидан намуналар киритилди. Бу шеърларда она Ватан, Ер шари, ўтмиш ва келажак, мухаббат, табиат мавзуларини куйлашда ҳамоҳанглик, яқдиллик мавжуд.

**Близкое небо: Стихи.**

**Ўз2**